

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**“ДАВЛАТ ҲУҚУҚИ ВА БОШҚАРУВИ”
КАФЕДРАСИ**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва маҳаллий
Кенгашларнинг ўзаро муносабати**
мавзусида ёзилган

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Бажарди: 4-курс “Давлат-
ҳуқуқий фаолият” соҳа
мутахассислиги талабаси
Маъмуров Наврўзхон
Мусохонович

Илмий раҳбар: “Давлат
ҳуқуқи ва бошқаруви”
кафедраси ўқитувчиси
Ражабов Дилшод
Салимович

Тошкент-2016

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ.....	3
I боб. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва маҳаллий Кенгашларнинг ўзаро муносабатининг назарий-ҳуқуқий тавсифи.....	7
1.1. Ўзбекистонда маҳаллий вакиллик органларининг ташкил топиши ва ривожланиши.....	7
1.2. Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларнинг ўзаро муносабатининг назарий-ҳуқуқий жиҳатлари ва доираси.....	17
1.3. Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларнинг ўзаро муносабатининг конституциявий-ҳуқуқий асослари.....	27
II боб. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва маҳаллий Кенгашларнинг ўзаро муносабатини ҳуқуқий тартибга солиш.....	38
2.1 Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларнинг ўзаро муносабатининг ҳуқуқий шакллари.....	38
2.2. Олий Мажлиси ва маҳаллий Кенгашларнинг ўзаро муносабатини тартибга солувчи ҳуқуқий механизмлар тизими.....	47
2.3. Халқ депутатлари Кенгашларининг маҳаллий ижро ҳокимияти органлари устидан назорат қилишни такомиллаштириш Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларнинг ўзаро муносабатининг асосий йўналишларидан бири сифатида.....	54
ХУЛОСА.....	61
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	64

КИРИШ

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Мамлакатимизда мустақилликка эришилган йиллардан бошлаб бугунги кунга қадар босқичма босқич амалга оширилиб келинаётган ислохотлардан кўзланган пировард мақсад – мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ўз аксини топади. Мазкур ислохотларнинг асосий йўналишларидан бири бу – давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш ва модернизациялаштиришдир. Бу борада амалга оширилган чора-тадбирлар мавжуд давлат ҳокимияти ва бошқарув органларини қайта ташкил этиш ва янги давлат тузилмаларини барпо этишни ўз ичига олди. Дарҳақиқат Юртбошимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, “Маълумки, Ўзбекистон 1991 йили ўз мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг умрини ўтаб бўлган мустабид, маъмурий-буйруқбозлик, режали-таксимот тизимидан воз кечиб, “ўзбек модели” деб ном олган ўз тараққиёт йўлини танлаб олди.

Биз ишлаб чиққан ва бугунги кунда ҳаётга татбиқ этаётган ушбу моделнинг маъно-мазмунини – давлат қурилиши ва конституциявий тузумни тубдан ўзгартириш ва янгилаш ... дан иборат”¹.

Мазкур соҳада олиб борилган ва бугунги кунда ҳам давом эттирилаётган ишлар бир қатор вазифаларни бажаришни ўз олдига қуйган.

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11-моддасида мустаҳкамланган ҳокимиятлар бўлиниши принципи²ни амалда татбиқ этиш ва давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги муносабатларни ушбу принцип асосида йўлга қўйиш.

Иккинчидан, давлат ҳокимияти тизимида номарказлаштириш сиёсатини амалга ошириш бўлиб, марказий ҳокимият ўртасида ўзаро

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқуралаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепсияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь / И.Каримов. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2010. – Б.4.

² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014. – Б. 6.

ваколатларни тенг тақсимлаш ва марказий ҳокимият ваколатларни қуйи ҳокимиятга босқичма босқич бериб бориш.

Учинчидан, марказда ва жойларда давлат ҳокимияти тизимида вакиллик органларнинг ижро органлари устидан назорат функциясини йўлга қўйиш ва такомиллаштириш орқали вакиллик органларининг ролини кучайтириш. Натижада, том маънода халқ ҳокимиятчилиги назарияси ва принципи рўйёбга чиқаришдир.

Юқоридаги вазифалардан келиб чиқиб, мазкур тадқиқот ишининг долзарблиги қуйидаги ҳолатлар билан изоҳлаш мумкин. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва маҳаллий вакиллик органлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар алоҳида илмий ишланма сифатида тадқиқ этилмаган бўлиб, ушбу иш бу соҳадаги дастлабки мустақил иш ҳисобланади.

Иккинчидан, давлат ҳокимияти тизимида амлага оширилаётган ҳокимиятлар бўлиниши принципини вертикал даражада қуйи ҳокимият органларига татбиқ этиш ва марказий давлат органлари ваколатларини қуйи органларга бериб бориш сиёсатини янада изчил давом эттириш нуқтаи назаридан Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларнинг ўзаро муносабатларининг назарий-ҳуқуқий асосларини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Учинчидан, олий вакиллик органи – парламент томонидан қабул қилинаётган қонун ҳужжатлар ва мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган дастурларни жойларда ижросини назорат қилиш ва таъминлаш бугунги кунда зарур аҳамият касб этаётганлиги сабабли бу борадаги Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашлар ўртасидаги ўзаро муносабатларининг ҳуқуқий асосларини ўрганиш долзарбдир.

Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти. Ушбу илмий тадқиқот ишининг амалий аҳамияти мазкур ишда ишлаб чиқилган амалий таклифларни Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашлар ўртасидаги ўзаро

муносабатларини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини такомиллатириш борасида фойдаланилиши мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва муаммолик томонлари. Ушбу илмий ишнинг илмий янгилиги Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар доираси биринчи марта алоҳида илмий тадқиқот иши сифатда тадқиқ этилиши билан изоҳланади. Шунингдек, илмий тадқиқот ишининг муаммолик томонлари Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари ва доирасини назарий-ҳуқуқий таҳлил қилиш ҳамда мазкур муносабатларини ҳуқуқий тартибга солувчи қонун ҳужжатларини ўрганиш ва уларни ушбу соҳадаги хориж тажрибасини қўллаш ёрдамида такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишда намоён бўлади.

Тадқиқотнинг мақсади. Илмий ишнинг мақсади Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини ўрганиш ва таҳлил қилиш ҳамда уларга асосланган таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг вазифалари. Ушбу илмий тадқиқот иши ўз олдига қўйган мақсадни амалга оширишда қуйидаги бир қанча вазифаларга асосланади:

- Ўзбекистонда маҳаллий вакиллик органларининг ташкил топиши ва ривожланишини таҳлил этиш;
- Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларнинг ўзаро муносабатининг назарий-ҳуқуқий жиҳатлари ва доирасини аниқлаш;
- Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларнинг ўзаро муносабатининг конституциявий-ҳуқуқий асослари таҳлил қилиш
- Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларнинг ўзаро муносабатининг ҳуқуқий шакллари тавсифлаш;
- Олий Мажлиси ва маҳаллий Кенгашларнинг ўзаро муносабатини тартибга солувчи ҳуқуқий механизмлар тизимини очиқ бериш;

- хорижий мамлакатларда парламент ва маҳаллий вакиллик органларининг ўзаро муносабатларининг конституциявий-ҳуқуқий асосларини ёритиб бериш.

Тадқиқот ишининг объекти. Ушбу илмий ишнинг объектини Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларнинг ўзаро муносабатлари ташкил этади.

Тадқиқот ишининг предмети. Мазкур илмий ишланманинг предметини Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларнинг ўзаро муносабатини ҳуқуқий тартибга солувчи қонун ҳужжатлари ва уларни ўрганиш ташкил этади.

Тадқиқот ишининг тузилиши. Илмий тадқиқот ишининг таркибий тузилиши мазмунан бир-бири билан боғланган кириш, 2 та боб, 6 та параграф, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг ҳажми 67 варақдан иборат.

I боб. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва маҳаллий Кенгашларнинг ўзаро муносабатининг назарий-ҳуқуқий тавсифи

1.1. Ўзбекистонда маҳаллий вакиллик органларининг ташкил топиши ва ривожланиши

XX асрнинг 80-йилларга келиб собиқ иттифоқнинг сиёсий ҳаётида ўзгаришлар вужудга келтирган муҳим воқеалар бошланди. Бу воқеаларнинг асосий хусусиятлари мавжуд тузумнинг халқ хоҳиш иродасига жавоб бера олмай қолганлиги ва собиқ иттифоқ таркибидаги республикаларнинг мустақиллик учун интилишида намоён бўлди.

Мамлакатда вужудга келган вазиятда давлат бошқарувини, айниқса маҳаллий бошқарувни амалдаги давр талабига жавоб бера олмаганлиги сабабли маҳаллий давлат органлари вазиятни идора этиш имкониятидан маҳрум бўлди.

Ўзбекистонда ҳам вазият жиддийлашиб борди, масалани ҳал қилиш йўлларида бири сифатида, сиёсий тизимни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари кўрилди. Энг аввало шу даврга келиб ўзини барча томонидан салбийлигини кўрсатган сайлов тизимини ислоҳ қилишга уриниш кўзга кўринди. 1987 йилда Ўзбекистонда маҳаллий советларга бўлиб ўтган сайловларда айрим экспрементлар ўтказилди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларини тизимини такомиллаштириш Ўзбекистон иттифоқ таркибида турган даврданоқ бошланган бўлиб, буни мустақиллик учун қўйилган қадамлардан десан бўлади.

1989 йил 20 октябрда қабул қилинган “Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советлари депутатлари сайлови ҳақида” ги қонун¹ ва у асосида ўтказилган сайлов натижасида халқ депутатлари маҳаллий советларнинг ташкил бўлганлиги бу борада қилинган дастлабки ишлар эди. Қонунда айрим масалалар Ўзбекистон томонидан ихтиёрий равишда белгиланди.

¹ Ўзбекистон ССР Олий Советининг ведемостлари, 1989. – № 26-28. – 448-модда

Сайлов тўғрисидаги ушбу қонунда, умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов принципи ва яширин овоз бериш сақлаб қолинди. Чунки бу қоидалар жаҳон сайлов тажрибасида демократик ҳисобланади.

Мазкур сайлов тўғрисидаги қонуннинг ўзига хос хусусиятлари ва устунлик жиҳатлари ҳақида ҳуқуқшунос олим Ш.Асадов қуйидагича изох беради¹. Сайлов тўғрисидаги қонунни таҳлил қилиш бизнинг мақсадимиз эмас, лекин баъзи ҳолатлар ҳақида тўхтатиб ўтамиз. Бу ҳолатлар қуйидагилардан иборат:

- 1989 йил 20 октябрь қонунида сайлов ўтказиш муддати 4 ой белгиланди. Бу сайловга пухта тайёргарлик кўриш, номзодларни ҳар томонлама синаб кўриш имкониятини беради:

- номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар доираси кенгайди, натижада халқ ижодий ташаббускор ташкилотлари ва аҳоли истиқомат жойларидан маҳаллий советларнинг ҳамма бўғинига номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлди. Аввалги қонунга асосан эса аҳоли йиғинлари фақат қишлоқ ва посёлка советига номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга эди. Аҳоли истиқомат жойларидан маҳаллий советларнинг ҳамма поғонасига (хатто Олий Советга ҳам) номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлиши, уларнинг сайлов ҳуқуқини кенгайтирди;

- қонунда маҳаллий совет депутатлари мақомини мансаб мавқеи билан номувофиқлиги белгиланди. Унга кўра ижроком раисларидан ташқари ижроком таркибига кирувчи шахслар, бошқарма ва бўлинмаларнинг бошлиқлари, суд ва арбитраж раҳбарлари ўзлари тайинланадиган ва сайланадиган советларга депутат бўла олмаслиги белгиланди. Бу, бир томондан Советларга қарам бўлмаган депутатлар сайланиши имкониятини кенгайтирса, иккинчи томондан ҳокимиятчиликнинг бўлиниши борасидаги дастлабки қадам эди. Мансабдор шахслар депутат бўлиб сайланганда, сайловчилар манфаатидан кўра идора манфаати устун қўяр эди;

¹ Асадов Ш. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари: Ўқув қўлланма/ Масъул муҳаррир: проф. О.Т.Хусанов. – Тошкент: ТДЮИ нашриёти, 2011. – Б. 25.

- депутатларнинг сайланганлигини аниқловчи меъёрлар ўзгарди. Аввалги қонунларда депутатликка номзод рўйхатидаги сайловчиларнинг ярмидан кўп овозини олиши керак эди. Бу ҳол сайлов комиссиялари учун қўшимча қийинчиликлар туғдирарди. Янги қонунда эса, рўйхатга олинганлар эмас, балки овоз беришда иштирок этганларнинг ярмидан кўпи овозини олган номзод (бунда рўйхатга олинганларнинг ярмидан кўпи иштирок этиши керак) сайланган ҳисобланиши белгилаб қўйилди;

- сайланадиган депутатлар сонига нисбатан номзодлар кўп бўлиши ва сайловчилар эркин овоз бериш имкониятига эга бўлиши таъминланди;

- такрорий овоз бериш ҳолати назарда тутилди.

1990 йил 18 февралда Ўзбекистонда мазкур қонун бўйича маҳаллий советларга сайлов бўлиб ўтди. Номзодлар юқоридан-партия, давлат аппарати томонидан белгиланмай. Сайловчилар томонидан кўрсатилган биринчи сайлов бўлди.

1990 йилдан бошлаб, 1992 йилда Ўзбекистон Республикасининг янги Конституцияси қабул қилингунича бўлган даврда маҳаллий ҳокимият органлари тизимини, тузилиши ва иш фаолиятини такомиллаштириш мақсадида бир неча ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Булар орасида 1992 йил 4 январда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида маҳаллий ҳокимият органларини қайта тузиш тўғрисида” ги қонун алоҳида аҳамият касб этди. Бу қонун билан маҳаллий ҳокимият органлари тизимида бутунлай янги орган-ҳокимлик ва ҳоким лавозими таъсис этилди ва унинг вакиллик органларига ҳам бошчилик қилиши белгилаб қўйилди.

Мазкур қонунда биринчи марта қонун меъёрлари даражасида маҳаллий давлат органлари вакиллик ҳокимияти ва ижро ҳокимиятига бўлиниши мустаҳкамланди. Аввалги қонунларда, шунингдек, рисола ва мақолаларда фақат Советларгина ҳокимият органи ҳисобланиб, ижрочи органларга нисбатан ҳокимият деган сўз тадбиқ қилинмай, улар ижрочи ва фармойишчи орган деб аталарди.

Маҳаллий ҳокимият органларининг, вакиллик ва ижро ҳокимияти органларига бўлиниши ҳокимиятчиликни тақсимланиши борасидаги муҳим кадам эди. “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида” ги қонуннинг 5-моддасида, ҳокимиятчиликни бўлиниш принципи конституциявий қонунчилик даражасида мустаҳкамланиб, Ўзбекистон Республикаси давлат идораларининг тизими ҳокимиятни қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятига ажратиш тартиби асосида қурилиши белгиланган эди¹. 1992 йил 4 январда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий ҳокимият идораларини қайта ташкил этиш тўғрисида” ги қонунда шу масала мантиқан давом эттирилди ва маҳаллий ҳокимиятнинг икки тури ҳуқуқий мустаҳкамланди.

Ўзбекистон Республикаси мамлакатда ҳуқуқий давлат қуришни мақсад қилиб қўйди. Ўзбекистон Республикаси амалдаги Конституциясининг 11-моддасида ҳокимиятнинг бўлиниш тамойили конституция даражасида мустаҳкамланди. Унга асосан, “Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими – ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниш принципига асосланади”.

Ўзбекистон Республикаси Президенти қонун чиқарувчи, ижро этувчи ҳокимият ваколатларини ажратиш асосида кўрсатар экан. Шу билан бирга республика ҳокимияти билан маҳаллий ҳокимиятнинг ваколатлари ва вазифаларини аниқ белгилаб қўйиш муҳим масала эканлигини ҳам алоҳида таъкидлайди².

Кўриниб турибдики, қонунчилик, ижро ва суд ҳокимиятини ажратиш, улар функциясини қатъий чегаралаш билан масала ҳуқуқий томондан ҳал қилинган ҳисобламайди. Ваколатларнинг тақсимланиши давом этиб, улар марказий ва маҳаллий органлар фаолиятида ҳам ўз ифодасини топсагина, ҳуқуқий давлат шартларига мос келади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 й., 11-сон, 246-модда

² Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тарққиёт йўли. – Т.: Ўзбекистон, 1992. – Б.16.

Ана шу масалани самарали ва муваффақиятли ҳал қилишда, маҳаллий ҳокимият органлари (вакиллик ва ижро ҳокимияти органлари) нинг энг мақбул тизимини яратиш муҳимдир. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг –“Маҳаллий давлат ҳокимияти асослари”-бобида маҳаллий вакиллик ва ижро ҳокимияти органларининг янги тизими белгиланди. Қуйида маҳаллий вакиллик ҳокимияти органларининг тизими хусусида фикр юритамиз.

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциянинг XXI боби, - “Маҳаллий давлат ҳокимияти асослари” – деб аталади. Конституцияда маҳаллий ҳокимиятнинг икки мустақил вакиллик ва ижро ҳокимияти органларига бўлиниши белгиланди. Бу органларнинг тизими, мавқеи, вазифалари конституциявий меъёрлар билан мустаҳкамлаб қўйилди. Шунингдек, маҳаллий вакиллик органлари тизими билан ўзини ўзи бошқариш органларининг тизими бир-биридан ажратилди. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллик органлари тизимига киради ёки маҳаллий вакиллик органлари ўзини ўзи бошқаришнинг етакчи бўғинидир деган ақидага барҳам берилди.

1993 йил 2 сентябрда Ўзбекистон Олий Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 103-моддаси асосида, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида” муҳим қонунни қабул қилди. Ушбу қонун аввалги шундай қонунлардан асосий фарқлари қуйидагилар ҳисобланади:

1) қонуннинг маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳамма поғонаси учун ягоналиги; 2) қонунда энг асосий масалаларнинг мустаҳкамланганлиги. Кўпгина масалалар, ички ҳужжатлар билан ҳал қилиниши белгиланганлиги ва бошқа қонунлардаги масалаларнинг қайтарилмаганлиги; 3) қонунда маҳаллий давлат ҳокимияти фаолиятининг иқтисодий ва молиявий асослари мустаҳкамлаб қўйилганлиги. Бу маҳаллий ҳокимият органларининг мустақиллигини таъминловчи, уларнинг бошқа органларга иқтисодий қарамлигига барҳам берувчи асосий омил бўлди; 4) қонунда маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятида қонунийликнинг

кафолатлари ҳақидаги махсус бобнинг мавжудлиги. Бу давлат фаолиятининг асоси-қонунийликнинг амалдаги ифодаси бўлиб, ҳуқуқий давлат хусусиятига мос тушади. Ҳар иккала қонунда маҳаллий ҳокимият органлари билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизими, фаолияти, вазифаси, ваколатлари аниқ белгилаб қўйилди¹.

Шундай қилиб, маҳаллий ҳокимият органлари тизимидан ўзини ўзи бошқариш органлари тизимининг ажратилиши амалдаги маҳаллий ҳокимият органлари тизимининг вужудга келишида муҳим тадбир бўлди.

Амалдаги Конституция қабул қилингунча маҳаллий вакиллик органларининг уч бўғинли тизими мавжуд бўлиб, улар: қишлоқ, посёлка, овул халқ депутатлари Кенгашлари-қуёи бўғин; туман, шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари – ўрта бўғин ва вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари – юқори бўғин ҳисобланарди.

Конституция маҳаллий вакиллик органларини икки бўғинли тизимини мустаҳкамлади ва бу маҳаллий давлат ҳокимият тўғрисидаги қонунда ўз ифодасини топди.

Конституциянинг 99-моддасига биноан “Вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда (туманга бўйсунадиган, шунингдек шаҳар таркибига кирувчи туманлардан ташқари) ҳокимлар бошчилиқ қиладиган халқ депутатлари Кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органлари бўлиб, улар давлат ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб ўз ваколатларига тааллуқли масалаларни ҳал этадилар”, деб белгиланган². Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунининг 1-моддасида вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда (туманга бўйсунадиган шаҳарлардан, шунингдек шаҳарлар таркибига кирувчи туманлардан ташқари) халқ депутатлари Кенгашлари давлат ҳокимиятининг вакиллик органларидир деб белгиланди³.

¹ Асадов Ш. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари: Ўқув қўлланма/ Масъул муҳаррир: проф. О.Т.Хусанов. – Тошкент: ТДЮИ нашриёти, 2011. – Б. 28.

² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014. – Б. 57.

³ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда

Натижада шу давргача, Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий тузилишининг ҳамма бўлакларида давлат ҳокимияти вакиллик органлари тузилади деган қоида барҳам топди. Республиканинг энг қуйи бўлинишлари – қишлоқ, посёлка (шаҳарча) ларда вакиллик органлари тузилмайдиган бўлиб, маҳаллий вакиллик органларининг икки бўғинли тизими, яъни: туман, шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари - қуйи бўғин; вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари - юқори бўғин вужудга келади.

Маҳаллий вакиллик органлари икки бўғинлиги тизимнинг ўрнатилиши билан чекланилмай мавжуд худудий тузилишларнинг ҳам баъзиларида маҳаллий вакиллик органлари тузилмайдиган бўлди.

Ўзбекистонда туманларнинг икки тури, вилоятлар таркибига кирувчи ва шаҳарлар таркибига кирувчи туманлар, шаҳарларнинг уч тури, туманга бўйсунувчи, вилоятга бўйсунувчи ва республикага бўйсунувчи шаҳарлар мавжуд.

Конституция ва қонун шаҳар таркибига кирувчи туманларда ва туманга бўйсунувчи шаҳарларда вакиллик органларининг тузилишини назоратда тутмайди.

Қишлоқ ва шаҳарчаларда вакиллик органларининг тугатилишининг иқтисодий томондан тўғрилиги яна шундаки, қонун меъёрларига асосан маҳаллий вакиллик органларининг энг асосий ваколатларидан бири маҳаллий бюджетни шакллантириш ҳисобланади. Кучли бюджетга эга бўлиш учун эса, вакиллик органларига бўйсунадиган корхона, ташкилотлар шу ҳудудда етарли бўлиши керак. Ҳақиқатда эса қишлоқ ва шаҳарчалар ҳудудидаги корхона ва ташкилотлар (аксарият ҳолларда) юқори органларга бўйсунди ва улардан қишлоқ, шаҳарчаларнинг бюджетига деярли ҳеч нарса тушмайди. Натижада қишлоқ ва шаҳарча кенгашлари заиф, бирон бир иқтисодий муаммоларни ҳал қила олмайдиган ташкилотга айланиб қолади. Ҳозирги бозор иқтисоди шароитида эса кўплаб кишиларни, қишлоқ ва шаҳарча кенгашларига депутат бўлиб сайланиши мақсадга мувофиқ эмас. Бу

органларга, аввало, ишлаб чиқаришда бевосита иштирок этувчилар кўплаб сайланар, уларни ўз ишидан қолиб, Кенгаш ишида (сессиясида) қатнашиши корхона, ташкилотларга сезиларли иқтисодий зарар етказар эди. Бутун Республика миқёсида бу нарса ҳисоблаб чиқилса салмоқли маблағ бўлади. Энди доимий комиссиялар ишидаги иштироки турли тадбирларга жалб қилиниши эса, иқтисодий зарарни янада чуқурлаштиради. Қишлоқ ва посёлка кенгашларига сайлов вақтидаги харажатларни ҳам қўшсак аҳвол яна ҳам оғирлашади.

Маҳаллий вакиллик органлари тизимини вужудга келтиришда ва уларнинг такомиллашувида бошқа қонунлар, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Халқ депутатлари, вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида” ги 1994 йил 5 май қонуни муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу қонуннинг асосий мақсади Конституцияда мустақамланган янги ҳолатларни ҳаётга тадбиқ этиш ҳисобланади. Ундаги янги шаҳарлар шу туфайли вужудга келади. Қонунда аввалги шундай қонунлардаги демократик ҳолатлар сақлаб қолинган, яъни сайловлар умумий, тенг тўғридан-тўғри сайлов принципи асосида ўтиши, унинг ҳамма босқичларида фуқаролар иштирок этиши номзодларга бир хил шароит яратилиши, уларнинг ҳуқуқлари кафолатланиши, сайлов тадбирлари давлат бюджетидан қопланиши янги қонунда ҳам ўз ифодасини топди¹.

Амалдаги маҳаллий вакиллик органларининг тизими тўрт босқичда ўтказилган ислохотлар натижасида вужудга келди ва унинг конституциявий-ҳуқуқий асослари такомиллашиб борди.

Биринчи босқич – XX асрнинг 80-йилларнинг иккинчи ярмидан 1991 йил 1 сентябргача, яъни республикаимиз мустақилликка эришгунгача бўлган давр. Бу даврда амалга оширилган асосий тадбирлар:

- сайлов ўтказиш тартибларига киритилган ўзгартиришлар (айрим ҳудудий бўлакларда эксперимент сифатида сайлов ўтказилганлиги);

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 й., 5-сон, 125-модда

- 1989 йил 20 октябрда маҳаллий вакиллик органларига сайлов ҳақида қонун қабул қилиниши, 1990 йил февралда эса шу қонун асосида сайловларнинг демократик асосда ўтиши;

- вакиллик органлари аҳамиятини кучайтириш мақсадида, уларнинг ҳар қандай ишига ижро органлари (ижрокомлар) аралашувига барҳам бериш мақсадида маҳаллий советларнинг Президиумлари ва раислари лавозими ташкил этилиши;

- ислохотнинг биринчи бочқичга ҳос муҳим хусусияти, уни Ўзбекистон Республикаси ҳали иттифоқ таркибида турганида ўтказилганидир;

Иккинчи босқич – 1991 йил 1 сентябрдан 1992 йил 8 декабргача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу даврда 1991 йил 31 августда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида” ги қонуннинг 5-моддасида қайд қилинган ҳокимиятнинг бўлиниш принципи ҳаётда тадбиқ қилина бошланди. Республикада ижро ҳокимиятини мустақамлаш, аҳамиятини ошириш мақсадида Тошкент шаҳрида ҳоким лавозими жорий қилинди. 1992 йил 4 январда “Маҳаллий ҳокимият идораларини қайта ташкил этиш тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши эса, маҳаллий ҳокимиятни амалга оширувчи икки мустақил давлат органларини қонуан мустақамлади. Халқ депутатлари Кенгашлари маҳаллий вакиллик органлари, ҳокимлар ижро ҳокимиятининг органи деб эътироф этилди;

Учинчи босқич – 1992 йил 8 декабрда Республиканинг биринчи мустақиллик Конституциясини қабул қилиниши билан бошланади¹. Шунингдек, 1993 йил 2 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонун, 1994 йил 5 майда Ўзбекистон Республикасининг “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди. Ушбу босқичда маҳаллий давлат

¹ Асадов Ш. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари: Ўқув қўлланма/ Масъул муҳаррир: проф. О.Т.Хусанов. – Тошкент: ТДЮИ нашриёти, 2011. – Б. 36.

ҳокимияти органлари тизими, ваколатлари ва фаолиятининг иқтисодий-молиявий асослари белгиланди.

Тўртинчи босқич – 2000 йилдан ҳозирги вақтга қадар давом этиб, бу даврда айрим янги қонун ҳужжатлари қабул қилинганидан ташқари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мавжуд конституциявий ҳуқуқий асослари такомиллаштирилди. Юртбошимиз Ислом Каримов таъкидлагидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, “Жойларда вакиллик ҳокимияти ва ижро ҳокимияти органларини тузишдаги асосий мақсад, биринчидан, шу жойларда давлат органларини тузишда аҳолининг иштирокини таъминлаш, иккинчидан, маҳаллий аҳамиятга эга масалаларни бамаслаҳат, кўпчилик бўлиб муҳокама қилиш ва тўғри қарор қабул қилиш, учинчидан; ижро ҳокимияти органлари фаолияти устидан маҳаллий миқёсда назорат ўрнатиш эди¹. Юқоридаги келтирилган учинчи босқичда биринчи ва иккинчи мақсадлар том маънода амалга оширилди. Аммо, учинчи мақсаднинг амалга оширилиши айнан тўртинчи босқич билан бевосита боғлиқ. Бу даврда маҳаллий вакиллик органлари ижро ҳокимияти устидан назорат функциясини таъминловчи ва кучайтирувчи 2007 йил 11 апрелда Ўзбекистон Республикасининг “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий қонуни, 2014 йил 16 апрелда Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)”ги қонуни қабул қилинди.

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – Б. 207.

1.2. Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларнинг ўзаро муносабатининг назарий-ҳуқуқий жиҳатлари ва доираси

Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларнинг ўзаро муносабати – конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар ҳисобланади. Зероки, ушбу муносабатлар гуруҳи аввало, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг нормалари билан тартибга солинади.

Қуйида бир қанча олимларнинг конституциявий-ҳуқуқий муносабатларга берган таърифлари ёрдамида Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларнинг ўзаро муносабатининг назарий-ҳуқуқий жиҳатларини очиқ бериш мумкин бўлади.

Жумладан, ҳуқуқшунос олим А.Х.Саидов томонидан конституциявий-ҳуқуқий муносабат тушунчаси қуйидагича ифодаланади: “Конституциявий ҳуқуқ нормаларини ҳаётга татбиқ этиш жараёнида конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар вужудга келтиради. Конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар деб, конституциявий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларга айтилади. Бундай муносабатларнинг иштирокчилари конституциявий нормалар томонидан ўрнатилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан ўзаро боғланган”¹.

Е.И.Козлова, О.Е.Кутафинларнинг фикрича, “Конституциявий-ҳуқуқий муносабат – бу конституциявий-ҳуқуқий нормалар тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар бўлиб, унинг тузилишини шу нормаларда назарда тутилган субъектлар ўртасидаги ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар шаклидаги юридик алоқадорликдан иборатдир”².

Ушбу таърифларга асосан, Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларнинг ўзаро муносабатига алоқадор хусусиятларни конституциявий ҳуқуқ нуқтаи назардан қуйидагича тавсифлаш мумкин:

- ушбу муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларини ҳаётга татбиқ этиш жараёни вужудга келади ва амалда бўлади;

¹ Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи: Дарслик / Маъсул муҳаррир: А.Х.Саидов. – Тошкент: “ТДЮИ” нашриёти, 2005. – Б. 23.

² Козлова Е.И., Кутафин О.Е. Конституционное право: Учебник. – Москва: Юрист, 2001. – С. 11.

- ушбу муносабатлар конституциявий-ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинади;

- ушбу муносабатлар Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашлар ўртасидаги ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар шаклида намоён бўлади.

Юқорида келтирилган назарий фикрларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунлар билан исботлашга ҳаракат қиламиз.

Биринчидан, Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларнинг ўзаро муносабати Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддаси ва 101-моддаларининг амалий ҳаётга татбиқ этилиши натижасида вужудга келади ва амалда бўлади.

Иккинчидан, Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларнинг ўзаро муносабати Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддаси ва 101-моддалари нормалари ва Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуни нормалари билан тартибга солинади¹.

Учинчидан, Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларнинг ўзаро муносабати Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддаси 11-бандига мувофиқ, туманлар, шаҳарлар, вилоятларни ташкил этиш, тугатиш, номини ўзгартириш ва уларнинг чегаралари масалаларини ҳал этади². Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида”ги қонунининг 2-моддасига мувофиқ туманларни тузиш ва тугатиш тегишли вилоят ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг илтимосномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифига мувофиқ Олий Мажлис томонидан амалга оширилади. Бундан ташқари ушбу қонуннинг 8-моддасида вилоятларнинг маъмурий марказларини белгилаш ва кўчириш тегишли вилоят ҳокимларининг илтимосномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифига мувофиқ Олий Мажлис томонидан амалга оширилади³. Ушбу нормалар Олий

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014. – Б. 28.

² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014. – Б. 27-28, 58.

³ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 139-модда

Мажлисга маъмурий-худудий тузилишга оид масалалар ҳал этиш ҳуқуқи берилган, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига маъмурий-худудий тузилишга оид масалаларни ҳал этиш бўйича қисман мажбурият юкланмоқда. Ушбу масалаларни мустақил ўзлари ҳал эта олмайди ва Олий Мажлис билан келишган ҳолда амалга оширади.

Ҳуқуқий муносабатларнинг ички таркибий тузилиши каби конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар ҳам ўз ички тузилишига яъни, конституциявий-ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари, конституциявий-ҳуқуқий муносабатларнинг объектлари, конституциявий-ҳуқуқий муносабатларнинг аниқ ҳуқуқий норма асосида вужудга келишига сабаб бўлувчи юридик фактлар каби таркибий қисмлардан иборат бўлади¹.

Ушбу назарий-ҳуқуқий фикрга асосланиб, Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларнинг ўзаро муносабатининг ҳам ўз ички тузилишига эга бўлиб, муносабат субъектлари, муносабат объектлари, конституциявий-ҳуқуқий муносабатларнинг мазмуни яъни аниқ ҳуқуқий норма асосида вужудга келишига сабаб бўлувчи юридик фактларни ўз ичига олади.

Шунингдек, Ҳ.Т.Одилқориев, И.Т.Тулътеев, Ў.Х.Муҳамедов ва бошқа ҳуқуқшунос олимларнинг фикрича, конституциявий-ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари деб, уларнинг томонлари сифатида ушбу муносабатларда иштирок этувчиларга айтилади. Ушбу иштирокчилари доирасига қуйидагиларни киритадилар:

- фуқароларнинг мажмуидан иборат бўлган Ўзбекистон халқи; - миллий давлат тузилиши билан боғлиқ муносабатларда майдонга чиқувчи миллатлар ва элатлар; - Қорақалпоғистон Республикаси; - Ўзбекистон Республикаси давлат органлари (Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқарувчи ҳокимиятини амалга оширувчи Олий Мажлис, унинг палаталари Қонунчилик палатасининг Спикери, Сенат Раиси, палаталарнинг қўмита ва комиссиялари, Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Вазирлар

¹ Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи: Юридик олий ўқув юртлари учун дарслик / Ҳ.Т.Одилқориев, И.Т.Тулътеев, Ў.Х.Муҳамедов ва б. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2005. – Б. 22-24.

Маҳкамаси, вазирликлар, давлат қўмиталари, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари, ҳокимлар); - депутатлар ва сенаторлар, уларнинг уюшмалари; - Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар; - жамоат бирлашмалари; - ўзини ўзи бошқарувчи органлар ва турар ҳамда иш жойдаги умумий йиғилишлар”¹.

Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларнинг ўзаро муносабатларнинг субъектлари қаторига Олий Мажлис, унинг палаталари Қонунчилик палатасининг Спикери, Сенат Раиси, палаталарнинг қўмита ва комиссиялари, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари, ҳокимлар, депутатларни киритиш мумкин.

Шунингдек, Ҳ.Т.Одилқориев, И.Т.Тулътеев, Ў.Х.Муҳамедовлар давлат органларини турли жиҳатларини таҳлил қилиш орқали уларни қуйидаги бир қанча турларини ҳам ажратиб кўрсатадилар:

а) давлат органлари ташкил топиш шаклига кўра, сайланадиган давлат органлари (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти) ва тайинланадиган давлат органлари (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдимига биноан Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси тайинлайди ва лавозимидан озод қилади)га бўлинади. Сайланадиган органлар халқ томонидан сайловлар йўли билан сайлаб қўйладиган вакиллик органларидир. Тайинланадиган органларни шаклантириш бевосита сайлов йўли билан эмас балки сайланган вакиллик органлари томонидан тайинланади.

б) давлат органлари ўз ваколатларининг хусусиятига кўра, умумий ваколатли давлат органлари (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий вакиллик ва ижро органлари) ва

¹ Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳукуки: Юридик олий ўқув юртлари учун дарслик / Ҳ.Т.Одилқориев, И.Т.Тулътеев, Ў.Х.Муҳамедов ва б. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2005. – Б. 22-23.

махсус ваколатли давлат органлари (вазирликлар ва давлат қўмиталари)га бўлинади.

в) давлат органлари ҳуқуқий ҳужжат (қарор)лар қабул қилиш усули бўйича коллегиял тарзда қабул қилувчи давлат органлари (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси) ва яккабошчилик асосида қабул қилувчи давлат органлар (Ўзбекистон Республикаси Президенти, вазирлар, давлат қўмита раислари, ҳокимлар)ига бўлинади.

г) давлат органлари ваколат муддатлари бўйича доимий давлат органлари ва вақтинчалик давлат органларига бўлинади.

д) давлат органлари вазифаларнинг салмоғи ва ҳудудий фаолияти бўйича давлат органлари марказий органлар (улар томонидан чиқариладиган ҳуқуқий ҳужжатлар республиканинг бутун ҳудуди бўйича мажбурийдир) ва маҳаллий органлар (улар томонидан қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатлар фақат ўша маъмурий-ҳудудий бирлик бўйлаб мажбурийдир)га бўлинади ва б¹.

Хусусан, юқоридаги мезонлар асосида, Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларни ташкил этиш хусусиятига кўра сайланадиган давлат органларига, ўз ваколатларининг хусусиятига кўра, умумий ваколатли давлат органларига, давлат органлари ҳуқуқий ҳужжат (қарор)лар қабул қилиш усули бўйича коллегиял тарзда қабул қилувчи давлат органларига киритиш мумкин. Шунингдек, Олий Мажлис давлат органлари вазифаларнинг салмоғи ва ҳудудий фаолияти бўйича марказий органлари гуруҳига, маҳаллий Кенгашлар эса, ушбу хусусиятга кўра, маҳаллий органлар гуруҳига киради.

Конституциявий-ҳуқуқий муносабат объекти ҳам зарурий элементлардан бири бўлиб, хусусан, А.Х.Саидовнинг фикрича, конституциявий-ҳуқуқий муносабат объекти конституциявий нормалар билан белгиланадиган ҳуқуқ муносабати иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари боғланган нарсалар ва ҳодисалар (давлат ҳудуди; моддий

¹ Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи: Юридик олий ўқув юртлари учун дарслик / Ҳ.Т.Одилқориев, И.Т.Тулътеев, Ў.Х.Муҳамедов ва б. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2005. – Б. 258-260.

бойликлар; кишиларнинг хатти-ҳаракатлари, хулқ-атворлари, давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг қонуний фаолият юритиши; мулкый характерга эга бўлмаган шахсий манфаатлар яъни обрў, шаън, кадр-қиммат ва ҳ.к.) тушинилади¹.

Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларнинг ўзаро муносабатларнинг объектини Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари боғланган масалалар ёки муайян бир нарсалар ташкил этади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 101-моддасига кўра маҳаллий ҳокимият органлари Ўзбекистон Республикасининг қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларини, давлат ҳокимияти юқори органларининг қарорларини амалга оширадилар, республика ва маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни муҳокама қилишда қатнашадилар².

Ушбу нормада Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашлар ўзаро муносабатининг бир йўналиши белгиланган бўлиб, ушбу ҳолатда Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашлар ўзаро муносабатнинг объектини Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва республика ва маҳаллий аҳамиятга молик масалалар ташкил этади.

Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашлар ўзаро муносабатининг навбатдаги таркиби қисми юридик фактлар бўлиб, юридик фактлар аниқ ҳуқуқий норма асосида вужудга келади.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 26-моддасига мувофиқ халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига зид келадиган қарорлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан белгиланган тартибда

¹ Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи: Дарслик / Маъсул муҳаррир: А.Х.Саидов – Тошкент: “ТДЮИ” нашриёти, 2005. –Б. 26.

² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014. – Б. 58.

бекор қилинади¹. Ушбу норма Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларнинг ўзаро муносабатини вужудга келтирувчи норма ҳисобланади.

Аммо, Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашлар – бу ўз навбатида давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларнинг ўзаро муносабатларига маъмурий ҳуқуқ нуқтаи назаридан давлат органлари ўртасидаги муносабатларнинг умумий хусусиятлари ҳам хос ҳисобланади.

Жумладан, Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашлари ўртасидаги муносабатлар оммавий хусусиятга эга бўлиб, ижро этиш ва фармойиш бериш фаолияти билан боғлиқ ҳисобланади².

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Конституциявий қонуннинг 12-моддаси иккинчи хатбошисига мувофиқ, Қонунчилик палатаси депутати давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига, қоида тариқасида, тегишли сайлов округи сайловчиларининг ёки Ўзбекистон экологик ҳаракатининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш билан боғлиқ масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён этиш талаби билан сўров юборишга ҳақли³.

Ушбу норма мазмунида оммавий ҳокимият хусусиятига эга бўлиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати муайян масала юзасидан маҳаллий Кенгаш раислари – ҳокимларга депутат сўровлари юбориши мумкин. Бу сўров юзасидан Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қарорни ҳоким бажариш лозим бўлади.

Маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг турлари бўйича ҳуқуқшунос олимлар ўртасида ягона фикр мавжуд эмас. Жумладан, А.П.Алехиннинг

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда

² Хожиев Э., Хожиев Т. Маъмури ҳуқуқ: Дарслик / Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбаев. – Т.: 2006. – Б. 97.

³ Қаранг: www.lex.uz

фикрича, маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар шартли равишда вертикал ва горизонтал маъмурий-ҳуқуқий муносабатларга бўлади¹.

Вертикал маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар – маъмурий-ҳуқуқий тартибга солишнинг моҳиятини ифода этиб, давлат бошқаруви фаолиятига хос бўлган бошқарув субъекти ва объекти ўртасидаги субординациявий алоқаларни англатади. Вертикал маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар айнан ҳокимият муносабатларидир. Мазкур муносабатлар бўйсинув мавжуд бўлган томонлар ўртасида вужудга келади ҳамда уларда томонларнинг тенглиги мавжуд эмас. Вертикаллик деганда – бир томонда юридик-ҳокимият ваколатлари мавжудлигини, иккинчи томонда эса бундай ваколатларнинг мавжуд эмаслигини (масалан, фуқаролар) ёки ваколат доираси торроқ эканлиги (масалан, қуйи турувчи орган) тушуниш лозим. Айнан вертикал маъмурий-ҳуқуқий муносабатларда бошқарув субъектининг у ёки бу объектга бевосита бошқарув таъсири амалга оширилади. Демак, вертикал маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар турли кўринишларга эга бўлиб, тўғридан-тўғри бошқарув таъсирини амалга ошириш ҳамда бир томон юридик-ҳокимият иродасининг устунлиги билан ифодаланади².

Ушбу вазиятда Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашлар ўртасидаги ўзаро муносабатнинг ҳеч бир шакли тўғри келмайди. Негаки, бўйсунув нуқтаи назаридан Олий Мажлисга маҳаллий Кенгашлар тўғридан-тўғри, бевосита бўйсунмайди.

Горизонтал маъмурий-ҳуқуқий муносабатларда бир томоннинг иккинчи томонга нисбатан юридик-ҳокимият иродасининг устунлиги мавжуд эмас. Маълум бир маънода, горизонтал маъмурий-ҳуқуқий муносабатларда томонлар тенг ҳисобланади. Горизонтал маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар вертикал маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар сингари кўп тарқалган эмас. Чунки улар қайсидир маънода маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш

¹ Хожиев Э., Хожиев Т. Маъмури ҳуқук: Дарслик / Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбаев. – Т.: 2006. – Б. 100.

² Хожиев Э., Хожиев Т. Маъмури ҳуқук: Дарслик / Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбаев. – Т.: 2006. – Б. 101.

доирасидан четга қолган. Лекин давлат бошқаруви соҳасида бундай муносабатларнинг вужудга келиши мумкин¹.

Маъмурий-ҳуқуқий муносабатларда томонларнинг тенглигини тан олиш – маъмурий-ҳуқуқий тартибга солишнинг мазмунига, шунингдек, маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг хусусиятларига тўғри келмайди. Шу сабабли бундай муносабатларнинг бошқарув соҳасида вужудга келиши шубҳа остига олинган. Лекин бошқарувдаги горизонталлик хусусиятини тўғри англаганда, бундай шубҳаларга ўрин қолмайди. Бу учун қуйидаги хусусиятларга эътибор қаратиш лозим:

биринчидан, томонлар ўртасида бўйсинувнинг мавжуд эмаслиги, томонларнинг бир хилдаги ҳуқуқий даражага эга эканлиги, юридик тенгликнинг формал эмас, балки ҳақиқатда мавжуд бўлиши;

иккинчидан, бошқарув муносабатларида бу иккала хусусият (бўйсинувнинг мавжуд эмаслиги ва юридик тенглик)нинг бир вақтда мавжуд бўлиши;

учинчидан, бир томоннинг иккинчи томонга қаратилган юридик-ҳокимият иродасининг бўлмаслиги².

Давлат бошқаруви соҳасидаги маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар ўртасида горизонтал муносабатларни ажратиб олиш мушкулдир. Чунки улар вертикал муносабатлар сингари яққол намоён бўлмайди. Лекин бошқарув амалиётига асосланиб, горизонтал маъмурий-ҳуқуқий муносабатларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- бевосита бошқарув таъсирига кўмаклашувчи муносабатлар. Бу муносабатлар вертикал муносабатларга хизмат қилади, яъни бир томонлама юридик-ҳокимият қарорини қабул қилиш учун шарт-шароитлар яратиб беришга қаратилади. Горизонтал муносабатлар бир даражада бўлган бошқарув субъектлари ўртасида вужудга келади. Масалан, биргаликда норматив ҳужжатни қабул қилиш учун тайёргарлик кўриш; ҳамкорликда

¹ Хожиев Э., Хожиев Т. Маъмури ҳуқуқ: Дарслик / Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбаев. – Т.: 2006. – Б.102.

² Хожиев Э., Хожиев Т. Маъмури ҳуқуқ: Дарслик / Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбаев. – Т.: 2006. – Б.103.

бошқарув ҳаракатларини амалга ошириш; биргаликда қўшма тадбирларни (мажлисларни) олиб бориш; идоралараро, маслаҳат ёки мувофиқлаштирувчи кенгашларни ташкил этиш бўйича муносабатлар;

- бевосита бошқарув таъсири амалга оширилгандан кейин вужудга келадиган муносабатлар, яъни бир томонлама тартибда қабул қилинган қарорнинг самарали ижро этилишига шароитлар яратиб бериш бўйича вужудга келадиган муносабатлар ва б¹.

Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларнинг ўзаро муносабатида горизантал маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг хусусиятлари йўқ эмас. Чунки, Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашлар бири-бирига тўғридан-тўғри бўлмайдиган, аммо Олий Мажлис маҳаллий Кенгашлар фаолиятини билвосита назорат қилиши мумкин. Жумладан, маҳаллий Кенгаш қарорлари амалдаги қонунларга зид деб топганда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир.

Шундай қилиб, Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларнинг ўзаро муносабатлари конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар тизимида кирувчи алоҳида ҳуқуқий муносабатлар гуруҳидир.

¹ Хожиев Э., Хожиев Т. Маъмури ҳуқуқ: Дарслик / Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбаев. – Т.: 2006. – Б. 104.

1.3. Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларнинг ўзаро муносабатининг конституциявий-ҳуқуқий асослари

Ўтиш даври ва миллий давлатчиликни барпо этиш шароитида объектив зарурат бўлган кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамиятига изчил ва босқичма-босқич ўтишга эришиш ушбу даврда давлат тизимини ислоҳ этишнинг асосий ва ҳал қилувчи вазифаси бўлиши даркор. Бу даврда давлат ва жамият қурилиши соҳасида амалга оширилаётган демократик ислохотлар натижасида мамлакатимизнинг қонун чиқарувчи олий органи – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатали парламентга айлантирилди.

Бу борадаги асосий вазифа қуйи палата – Қонунчилик палатасини мунтазам фаолият кўрсатадиган профессионал органга айлантириш, юқори палата – Сенатни ҳудудлар манфаатларини ифода қиладиган вакиллик органи сифатида шакллантиришдан иборат еди. Шу тариқа қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг сифатли ва асосли бўлишига эришиш билан бир қаторда, ўзаро мутаносиблик ва мувозанатни сақлаш бўйича самарали тизим яратилмоқда, умумдават ва ҳудудлар манфаатларининг ўзаро мувозанати таъминланмоқда, аҳолининг мамлакатимиз ижтимоий ва сиёсий ҳаётидаги иштироки кўламини янада кенгайтириш имкони туғилмоқда.

Парламент ислоҳоти сиёсий ҳаётнинг барча жабҳалари, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш жараёнларининг таркибий қисмидан иборатдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил 28 январдаги қўшма мажлисидаги маърузасида қонунчилик ҳокимияти бўлмиш мамлакат Парламентининг роли ва таъсирини кучайтириш давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасидаги энг муҳим вазифа сифатида белгиланди. Қонунчилик палатаси ўз фаолиятини доимий профессионал тарзда олиб боришини назарда тутган ҳолда, парламентнинг қонун ижодкорлиги борасидаги фаолияти сифатини кескин ошириш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва маҳаллий Кенгашларнинг ўзаро муносабатининг конституциявий ҳуқуқий асосларига қуйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни киритиб ўтиш мумкин:

- 1) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси;
- 2) Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуни (02.09.1993);
- 3) Ўзбекистон Республикасининг “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги қонуни (05.05.1994);
- 4) Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида”ги қонун (30.08.1996);
- 5) Ўзбекистон Республикасининг “Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”ги қонуни (04.04.2002);
- 6) Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги қонуни (29.08.2003);
- 7) Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Конституциявий қонун (12.12.2002);
- 8) Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги Конституциявий қонун (12.12.2002);
- 9) Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги қонун (29.08.2003);
- 10) Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги қонун (29.08.2003);
- 11) Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги қонун (02.12.2004);

12) Ўзбекистон Республикасининг “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида”ги қонуни (02.12.2004);

13) Ўзбекистон Республикасининг “Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида”ги қонуни (02.12.2004);

14) Ўзбекистон Республикасининг “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий қонуни (11.04.2007) ;

15) “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (18.04.2011);

16) Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)”ги қонуни (16.04.2014).

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларнинг ўзаро муносабатини ҳуқуқий асосларини асосий пойдевори ҳисобланади. Зероки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши билан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тизими, улар фаолиятнинг асосий йўналишлари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш масалаларни конституциявий даражада мустаҳкамлаб берди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларнинг ўзаро муносабати айрим гуруҳларини тартибга солади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 101-моддасига мувофиқ маҳаллий ҳокимият органлари Ўзбекистон Республикасининг қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларини, давлат ҳокимияти юқори органларининг қарорларини амалга оширадилар, республика ва маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни

муҳокама қилишда қатнашадилар¹. Ушбу конституциявий норма Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонунларнинг маҳаллий Кенгашлар томонидан ижро этишларини белгилаб берадилар.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддаси 11-бандига мувофиқ, туманлар, шаҳарлар, вилоятларни ташкил этиш, тугатиш, номини ўзгартириш ва уларнинг чегаралари масалаларини ҳал этади². Ушбу конституциявий норма Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиш масалаларини ҳал этиш юзасида Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларнинг ўзаро муносабати тартибга солади.

1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуни Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларнинг ўзаро муносабати тартибга солувчи асосий қонунлардан бири ҳисобланади.

Жумладан, ушбу Қонуннинг 1-моддасига кўра халқ депутатлари Кенгаши ва ҳоким вилоят, туман ва шаҳар учун умумий бўлган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш вазифалари амалга оширилишини, жойларда қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган ҳужжатлар, юқори турувчи халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимлар қарорларининг ижросини, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги алоқаларни, аҳолини вилоят, туман ва шаҳарни бошқаришга жалб этишни таъминлайди³.

Шунингдек, ушбу Қонуннинг 25-моддасига мувофиқ вилоят, туман ва шаҳар ҳокимнинг ваколатлари қонунларнинг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатларининг, юқори турувчи органлар

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014. – Б. 58.

² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014. – Б. 28.

³ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда

ва тегишли халқ депутатлари Кенгаши қарорларининг ижросини ташкил этади¹.

Бундан ташқари, ушбу Қонуннинг 25¹-моддасига асосан, вилоят, Тошкент шаҳар, туман ҳокимининг ҳисоботини эшитишга тегишли вилоятлар ва Тошкент шаҳридан сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, давлат бошқаруви органлари раҳбарлари, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари, вилоят ва Тошкент шаҳар ижроия ҳокимияти органлари таркибий бўлинмаларининг раҳбарлари таклиф этилади².

Шу билан бирга, ушбу Қонуннинг 26-моддасига мувофиқ халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига зид келадиган қарорлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан белгиланган тартибда бекор қилинади³.

Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуни юқорида баён этилган моддалари Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларнинг ўзаро муносабати айрим гуруҳларини тартибга солади.

Ўзбекистон Республикасининг “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги қонунига мувофиқ вилоят Тошкент шаҳар, туманлар халқ дупататлари Кенгашларига номзодлар сиёсий партиялар томонидан кўрсатилишини ҳисобга олган ҳолда, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида фаолият юритувчи сиёсий партия ва унинг фракциялари маҳаллий вакиллик органларида кўпроқ ўрин олишдан манфаатдор ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, Олий Мажлис ва маҳаллий

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда

² Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда

³ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда

Кенгашлар ўртасидаги ўзаро муносабат сиёсий партиялар воситасида ҳам намоён бўлади.

“Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 2-моддасига мувофиқ туманларни тузиш ва тугатиш тегишли вилоят ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг илтимосномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифига мувофиқ Олий Мажлис томонидан амалга оширилади¹.

Шунингдек, ушбу Қонуннинг 5-моддасига кўра вилоятлар ва туманларнинг чегараларини ўзгартириш тегишли вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳокимларининг илтимосномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифига мувофиқ Олий Мажлис томонидан амалга оширилади².

Бундан ташқари, ушбу Қонуннинг 8-моддасида вилоятларнинг маъмурий марказларини белгилаш ва кўчириш тегишли вилоят ҳокимларининг илтимосномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифига мувофиқ Олий Мажлис томонидан амалга оширилади³.

Шу билан бирга, ушбу Қонуннинг 10-моддасига биноан шаҳарларни вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар туркумига киритиш, уларни қайта тузиш тегишли вилоят ҳокимларининг илтимосномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифига мувофиқ Олий Мажлис томонидан амалга оширилади⁴.

Шунингдек, ушбу Қонуннинг 11-моддасига кўра шаҳарчаларни, аҳоли пунктларини туман бўйсунувидаги шаҳарлар туркумига киритиш, уларни қайта тузиш тегишли вилоят ҳокимларининг илтимосномасига асосан

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 139-модда

² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 139-модда

³ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 139-модда

⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 139-модда

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифига мувофиқ Олий Мажлис томонидан амалга оширилади¹.

Бундан ташқари, ушбу Қонуннинг 13-моддасига мувофиқ шаҳарларнинг чегараларини белгилаш ва кенгайтириш тегишли вилоят, Тошкент шаҳри ҳокимларининг илтимосномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифига мувофиқ Олий Мажлис томонидан амалга оширилади².

“Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларнинг маъмурий-ҳудудий масалаларни ҳал этиш бўйича ўзаро муносабатини тартибга солувчи махсус қонун ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”ги қонуни Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларнинг ўзаро муносабатларини давлат ҳокимияти марказий органларининг ваколатларини жойлардаги бошқарув органларига босқичма-босқич ўтказиш принципи дорисида ривожланиб боришини белгилаб берди³.

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги қонунининг 16-моддасига мувофиқ округ сайлов комиссияси аъзоллигига номзодлар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг мажлисларида муҳокама қилинади ҳамда Марказий сайлов комиссиясига тасдиқлаш учун тавсия этилади. Участка сайлов комиссияси аъзоллигига номзодлар халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашларининг мажлисларида муҳокама қилинади ва тегишли округ сайлов комиссиясига тасдиқлаш учун тавсия этилади⁴. Ушбу нормада Олий Мажлисга

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 139-модда

² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 139-модда

³ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 4-5-сон, 60-модда

⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 9-10-сон, 132-модда

сайловларни ўтказишда маҳаллий Кенгашларнинг иштирокини белгилаб беради.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонуни, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонуни, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларнинг ўзаро муносабатининг маъмурий-ҳудудий тузилишига оид масалаларни ҳал этишдаги ва Олий Мажлис томонидан маҳаллий Кенгашлар фаолиятини парламент сўрови, депутат ва сенатор сўрови воситасида назорат қилишга оид гуруҳини тартибга солади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги қонунини халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари депутатлари орасидан сайланган сенаторларнинг маҳаллий Кенгашлар билан ўзаро муносабати ва Қонунчилик палатаси депутатининг сайлов округларида ўз сайловчилар билан учрашганда, ушбу жараёнда маҳаллий Кенгаш депутатлари билан ҳамкорликда фаолият юритишини Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларнинг ўзаро муносабати сифатида тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикасининг “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида”ги қонуни 12-моддасига мувофиқ депутат дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилинаётган жараёнда халқ депутатлари Кенгашининг қарорига рози бўлмаган тақдирда, юқори турувчи прокурор тегишинча юқори Кенгашга, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига ёки Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига қарорни бекор қилиш ва масалани тегишли халқ

депутатлари Кенгаши қайта кўриб чиқиши учун топшириш тўғрисида тақдимнома киритишга ҳақлидир¹.

Ушбу норма Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларнинг ўзига хос ўзаро муносабатни тартибга солишни кўриш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг “Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида”ги қонунга мувофиқ Олий Мажлис Сенати аъзоси халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар халқ депутатлари томонидан чақириб олинаётганда ўзаро муносабатга киришади.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий қонуни 6-моддасига биноан вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими номзодлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тегишли халқ депутатлари Кенгашларидаги партия гуруҳларининг ҳар бири билан маслаҳатлашувлар ўтказилганидан сўнг халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашига тасдиқлаш учун тақдим этилади².

Шунингдек, ушбу Конституциявий қонуннинг 7-моддасига мувофиқ назорат қилиш вазифалари самарадорлигини ошириш мақсадида халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳларига вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими лавозимига тасдиқланган шахсларнинг қониқарсиз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига асосланган хулосалар тақдим этиш ташаббуси ҳуқуқи берилади. Бундай ташаббус етакчи партия гуруҳлари томонидан қўллаб-қувватланган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Президенти бу ташаббуснинг халқ депутатлари Кенгашидаги муҳокамасини тайинлайди ва муҳокама натижаларига мувофиқ қарор қабул қилади³.

¹ Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 3-4-сон, 20-модда

² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 15-сон, 151-модда

³ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 15-сон, 151-модда

Мазкур моддалар мазмунида шуни англаш мумкинки, Қоунчилик палатасида фаолият юритувчи сиёсий партия фракциялар партия гуруҳлари ёрдамида қуйи ижро ҳокимияти устидан назорат олиб бориши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)”ги қонунига асосан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 103-моддасига ўзгартириш киритилди. Унга кўра вилоят, туман ва шаҳар ҳокими тегишли халқ депутатлари Кенгашига вилоят, туман, шаҳар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан ҳисоботлар тақдим этади, улар бўйича халқ депутатлари Кенгаши томонидан тегишли қарорлар қабул қилинади¹. Ушбу нормага мувофиқ бундай ҳисоботлар эшитиш бўйича ташкил этилган мажлисларда Қонунчилик палатаси депутатлари иштирок этиб, ҳисобот бўйича фикр-мулоҳазаларини билдириши мумкин бўлади. Бундай ҳолатда ҳам Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларнинг ўзаро муносабатини кўришимиз мумкин.

Шундай қилиб, юқоридаги таҳлилларга асосланган ҳолда, Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларнинг ўзаро муносабатини умумий тартибга солувчи ягона қонун ҳужжатини мавжуд эмаслигини кўришимиз мумкин.

Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларнинг ўзаро ҳамкорликда самарали фаолият юритиши мақсадида уларнинг ўзаро муносабатини тартибга солувчи ягона қонун ҳужжатини қабул қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Хорижий мамлакатларда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари давлат ҳокимияти билан ўзаро муносабати ҳуқуқий асослари белгиланган. Франциянинг 1982 йилда қабул қилинган “Маҳаллий жамоларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари тўғрисида”ги қонунда ҳам маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари билан давлат органларининг ўзаро муносабати

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 16-сон, 176-модда

мустаҳкамланган бўлиб, у давлат органларнинг маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари устидан назорат шаклида намоён бўлади¹.

Россия Федерациясида маҳаллий ўзини ўзи бошқариш билан давлат органларининг ўзаро муносабатларининг ҳуқуқий асосини 2003 йил 6 октябрда қабул қилинган “Россия Федерациясида маҳаллий ўзини ўзи бошқаришни ташкил этишнинг умумий принциплари тўғрисида”ги Федерал қонуннинг 5-моддасига мувофиқ ижро-фармойиш ва назорат хусусиятларига асосланади².

Германия Федератив Республикасида маҳаллий (коммунал) бошқарувнинг аралаш тизими йўлга қўйилган. Германия Асосий қонунининг 28 моддаси 2-бандида маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларга шахсий жавобгарлик остида қонун ҳужжатларга мувофиқ жамоалар барча муаммоларни мустақил ҳал этиш ҳуқуқи кафолатланган³.

¹ http://www.aup.ru/books/m234/3_3.htm

² https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_44571/faf9bf6d5f21d5601991936939d50cfb504c627b/

³ http://www.aup.ru/books/m234/3_3.htm

II боб. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва маҳаллий Кенгашларнинг ўзаро муносабатини ҳуқуқий тартибга солиш

2.1. Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларнинг ўзаро муносабатининг ҳуқуқий шакллари

Олий Мажлис билан маҳаллий Кенгашларнинг ўзаро муносабати – ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёни учун ҳамда инсон ҳуқуқларини муҳофаза этиш нуқтаи-назаридан жуда долзарб масала бўлиб, у назарий, ҳуқуқий, амалий ва сиёсий аҳамиятга эга.

Шакл – бу маълум бир ҳодиса ёки ҳаракат мазмунининг ташқи кўринишидир. Масалан, таълим жараёни – маърузалар ёки амалий машғулотларини олиб бориш (яъни таълим шакллари) орқали намоён бўлади¹.

Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларнинг ўзаро муносабатининг ҳуқуқий шакллари – бу Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларнинг томонидан қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда амалга оширилидиган аниқ бир фаолият тури ҳисобланади.

Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларнинг ўзаро муносабати шакллари турли мезонларга кўра гуруҳларга бўлиб ўрганиш мумкин. Бу эса, Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларнинг ўзаро муносабати доирасини янада аниқ тасаввур этиш ва унинг ҳуқуқий асосларини таҳлил этиш имкониятини берди.

Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларнинг ўзаро муносабати шаклини муносабатнинг мазмун-моҳияти ва қамраб олиш диорасига қараб икки гуруҳга ажратиш мумкин. Булар:

1. Умумий характердаги ўзаро муносабатлар;
2. Махсус характердаги ўзаро муносабатлар.

Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларнинг умумий характердаги ўзаро муносабатлари Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларнинг ўзаро алоқасини

¹ Хожиев Э., Хожиев Т. Маъмури ҳуқуқ: Дарслик / Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбаев. – Т.: 2006. – Б. 391.

умумий қоидалардан келиб чиқади. Бундай қоидаларни Ўзбекистон Республикаси Конституциясида учратиш мумкин.

Жумладан, 101-моддасига мувофиқ маҳаллий ҳокимият органлари Ўзбекистон Республикасининг қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларини, давлат ҳокимияти юқори органларининг қарорларини амалга оширадилар, республика ва маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни муҳокама қилишда қатнашадилар¹. Ушбу конституциявий норма Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонунлар ва қарорларни маҳаллий Кенгашлар томонидан бажарилишини умумий қоидаи белгилайди, аммо, қай тартибда ижро этилишини белгиламайди. Шу нуқтаи назардан, ушбу вазиятда Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларнинг умумий характердаги ўзаро муносабатини кузатишимиз мумкин.

Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларнинг махсус характердаги ўзаро муносабатлари айнан бир турдаги масалани қамраб олади ва бу ҳолатда қонунда аниқ белгилаб қўйилган бўлади.

Жумладан, “Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 2-моддасига мувофиқ туманларни тузиш ва тугатиш тегишли вилоят ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг илтимосномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифига мувофиқ Олий Мажлис томонидан амалга оширилади².

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 25¹-моддасига асосан, вилоят, Тошкент шаҳар, туман ҳокимининг ҳисоботини эшитишга тегишли вилоятлар ва Тошкент шаҳридан сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, давлат бошқаруви органлари раҳбарлари, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари, вилоят ва Тошкент шаҳар

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014. – Б. 58.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 139-модда

ижроия ҳокимияти органлари таркибий бўлинмаларининг раҳбарлари таклиф этилади¹.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида”ги қонуни 12-моддасига мувофиқ депутат дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилинаётган жараёнда халқ депутатлари Кенгашининг қарорига рози бўлмаган тақдирда, юқори турувчи прокурор тегишинча юқори Кенгашга, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига ёки Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига қарорни бекор қилиш ва масалани тегишли халқ депутатлари Кенгаши қайта кўриб чиқиши учун топшириш тўғрисида тақдимнома киритишга ҳақлидир².

Юқорида келтириб ўтилган қонунлар моддларида Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларнинг айнан бир масала юзасидан вужудга келадиган махсус характердаги ўзаро муносабатларини кузатишимиз мумкин.

Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларнинг ўзаро муносабати шаклини муносабат иштирокчиларнинг позициясига қараб икки гуруҳга ажратиш мумкин. Булар:

1. Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларнинг ўзаро муносабатлар;
2. Маҳаллий Кенгашлар ва Олий Мажлиснинг ўзаро муносабатлар.

Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларнинг ўзаро муносабатлар гуруҳида Олий Мажлис ташаббуси билан ёки унда Олий Мажлис биринчи томони ҳисобланиб, маҳаллий Кенгашлар иккинчи томон мақомини олади. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонун 26-моддасига мувофиқ халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига зид келадиган қарорлари Ўзбекистон

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда

² Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 3-4-сон, 20-модда

Республикаси Олий Мажлиси томонидан белгиланган тартибда бекор қилинади¹.

Маҳаллий Кенгашлар ва Олий Мажлиснинг ўзаро муносабатларида маҳаллий Кенгашлар ташаббускор ёки биринчи томон бўлиб, иккинчи томон эса Олий Мажлис бўлиб ҳисобланади. Жумладан, “Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 13-моддасига мувофиқ шаҳарларнинг чегараларини белгилаш ва кенгайтириш тегишли вилоят, Тошкент шаҳри ҳокимларининг илтимосномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифига мувофиқ Олий Мажлис томонидан амалга оширилади².

Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларнинг ўзаро муносабати шаклини муносабат иштирокчиларнинг мазкур ҳолатда якка (индивидуал) ва жамоавий (коллегиал) иштирок этишига қараб, икки гуруҳга ажратиш мумкин. Булар:

1. Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларнинг якка (индивидуал) характердаги ўзаро муносабати.

2. Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларнинг жамоавий (коллегиал) характердаги ўзаро муносабати.

Биринчи гуруҳ муносабатга Ўзбекистон Республикасининг “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида”ги қонуни 12-моддасини келтириш мумкин. Унга мувофиқ депутат дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилинаётган жараёнда халқ депутатлари Кенгашининг қарорига рози бўлмаган тақдирда, юқори турувчи прокурор тегишинча юқори Кенгашга, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига ёки Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига қарорни бекор қилиш ва масалани тегишли халқ депутатлари Кенгаши қайта кўриб чиқиши учун топшириш тўғрисида

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда

² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 139-модда

тақдимнома киритишга ҳақлидир¹. Ушбу нормада дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этиш жараёнида депутат якка ўзи иштирок этмоқда.

Иккинчи гуруҳ муносабатга Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонун 26-моддасини мисол келтириш мумкин. Ушбу моддага мувофиқ халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига зид келадиган қарорлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан белгиланган тартибда бекор қилинади². Ушбу моддада, Олий Мажлис томонидан умумий йиғилишда жамоавий маҳаллий Кенгашлар қарорларини бекор қилади. Шу нуқтаи назардан бу норма Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларнинг жамоавий (коллегиял) характердаги ўзаро муносабати тартибга солади.

Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларнинг ўзаро муносабати шаклини муносабат муайян соҳага тегишлилиги хусусиятидан келиб чиқиб, қуйидагиларга гуруҳга ажратиш мумкин. Булар:

1. Муайян нарса ва ҳодисани ташкил этиш, тузиш, ўзгартириш ва бекор қилишга қаратилган ўзаро муносабатлар
2. Фаолиятни назорат қилиш ва қонун бузилишини бартараф этишга қаратилган ўзаро муносабатлар.
3. Ташкилий-иштирок ва ўзаро ёрдамга қаратилган ўзаро муносабатлар.

Биринчи гуруҳ муносабатларига “Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни билан тартибга солинган Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларнинг маъмурий-ҳудудий масалаларни ҳал этиш бўйича ўзаро муносабатини келтириш мумкин.

“Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси

¹ Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 3-4-сон, 20-модда

² Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда

қонунининг 2-моддасига мувофиқ туманларни тузиш ва тугатиш тегишли вилоят ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг илтимосномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифига мувофиқ Олий Мажлис томонидан амалга оширилади¹.

Шунингдек, ушбу Қонуннинг 5-моддасига кўра вилоятлар ва туманларнинг чегараларини ўзгартириш тегишли вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳокимларининг илтимосномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифига мувофиқ Олий Мажлис томонидан амалга оширилади².

Бундан ташқари, ушбу Қонуннинг 8-моддасида вилоятларнинг маъмурий марказларини белгилаш ва кўчириш тегишли вилоят ҳокимларининг илтимосномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифига мувофиқ Олий Мажлис томонидан амалга оширилади³.

Шу билан бирга, ушбу Қонуннинг 10-моддасига биноан шаҳарларни вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар туркумига киритиш, уларни қайта тузиш тегишли вилоят ҳокимларининг илтимосномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифига мувофиқ Олий Мажлис томонидан амалга оширилади⁴.

Шунингдек, ушбу Қонуннинг 11-моддасига кўра шаҳарчаларни, аҳоли пунктларини туман бўйсунувидаги шаҳарлар туркумига киритиш, уларни қайта тузиш тегишли вилоят ҳокимларининг илтимосномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифига мувофиқ Олий Мажлис томонидан амалга оширилади⁵.

Бундан ташқари, ушбу Қонуннинг 13-моддасига мувофиқ шаҳарларнинг чегараларини белгилаш ва кенгайтириш тегишли вилоят, Тошкент шаҳри ҳокимларининг илтимосномасига асосан Ўзбекистон

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 139-модда

² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 139-модда

³ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 139-модда

⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 139-модда

⁵ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 139-модда

Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифига мувофиқ Олий Мажлис томонидан амалга оширилади¹.

Иккинчи гуруҳ муносабатларга Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 26-моддасини мисол келтириш мумкин. Ушбу моддага мувофиқ халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига зид келадиган қарорлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан белгиланган тартибда бекор қилинади².

Ушбу норма мазмунидан англанишича Олий Мажлис томонидан халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлар фаолияти уларнинг қонун ҳужжатларига зид қабул қилган қарорларини бекор қилиш шаклида назорат қилинади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида”ги қонуни 12-моддасига мувофиқ депутат дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилинаётган жараёнда халқ депутатлари Кенгашининг қарорига рози бўлмаган тақдирда, юқори турувчи прокурор тегишинча юқори Кенгашга, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига ёки Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига қарорни бекор қилиш ва масалани тегишли халқ депутатлари Кенгаши қайта кўриб чиқиши учун топшириш тўғрисида тақдимнома киритишга ҳақлидир³.

Учинчи гуруҳ муносабатлар ташкилий-иштирок ва ўзаро ёрдамга хусусиятга асосланган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 25¹-моддасига асосан, вилоят, Тошкент шаҳар, туман ҳокимининг ҳисоботини эшитишга тегишли вилоятлар ва Тошкент шаҳридан сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 139-модда

² Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда

³ Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 3-4-сон, 20-модда

Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, давлат бошқаруви органлари раҳбарлари, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари, вилоят ва Тошкент шаҳар ижроия ҳокимияти органлари таркибий бўлинмаларининг раҳбарлари таклиф этилади¹. Ушбу нормада Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати мажлисларда вакил сифатида таклиф этилиши белгиланган.

Шунингдек, Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 2010 йил 30 декабрдаги 154-II-сонли Қарори билан тасдиқланган Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг намунавий регламенти 15-моддасига биноан сессияларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутатлари, шунингдек тегишли ҳудуддаги давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, нодавлат нотижорат ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситаларининг таклиф этилган вакиллари ҳамда бошқа шахслар ҳозир бўлиши мумкин².

Бундан ташқари, Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 2010 йил 30 декабрдаги 154-II-сонли Қарори билан тасдиқланган Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг доимий комиссиялари тўғрисидаги намунавий низомнинг 26-бандига кўра, доимий комиссияларнинг мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутатлари, шунингдек тегишли ҳудудда жойлашган давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, нодавлат нотижорат ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситаларининг таклиф қилинган вакиллари ва бошқа шахслар иштирок этиши мумкин³.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда

² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 й., 12-сон, 550-модда

³ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 й., 12-сон, 550-модда

Ушбу ҳар икки нормада Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларнинг ўзаро муносабатининг вакиллик ва ўзаро ёрдам хусусиятларини кўришимиз мумкин.

Шундай қилиб, Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларнинг ўзаро муносабатини уларни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормаларининг хусусиятларидан келиб чиқиб турли гуруҳларга ажратиш мумкин. Бундай назарий-ҳуқуқий таҳлилнинг амалга оширилиши Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларнинг ўзаро муносабати шакллари кенгроқ ва чуқурроқ ўрганиш имкониятини беради. Бу эса ўз навбатида Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларнинг ўзаро муносабатини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга замин ҳозирлайди.

2.2. Олий Мажлиси ва маҳаллий Кенгашларнинг ўзаро муносабатини тартибга солувчи ҳуқуқий механизмлар тизими

Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларнинг ўзаро муносабатини тартибга солувчи ҳуқуқий механизмлари тизими Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларнинг ўзаро муносабатлари ва уларни тартибга солувчи нормалар хусусиятидан келиб чиқади.

Маҳаллий Кенгашлар маҳаллий давлат ҳокимияти тизимига кириб, асосий вазифалардан бири тегишли ҳудудда давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш, амалга оширилаётган ислохотларга қўмаклашиш, қабул қилинган қонун ҳужжатларни жойларда ижросини таъминлаш ва назорат қилишдир. Ушбу соҳада маҳаллий Кенгашлар ва Олий Мажлиснинг ўзаро муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқий механизмларининг ҳуқуқий асоси Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунда акс этган. Ушбу қонуннинг қуйида келтирилаётган моддаларида Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларнинг қонун ҳужжатларини ижроси бўйича ўзаро муносабатининг ҳуқуқий механизмнинг умумий қоидалари акс этган.

Жумладан, ушбу Қонуннинг 1-моддасига кўра халқ депутатлари Кенгаши ва ҳоким вилоят, туман ва шаҳар учун умумий бўлган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш вазифалари амалга оширилишини, жойларда қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган ҳужжатлар, юқори турувчи халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимлар қарорларининг ижросини, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги алоқаларни, аҳолини вилоят, туман ва шаҳарни бошқаришга жалб этишни таъминлайди¹.

Шунингдек, ушбу Қонуннинг 25-моддасига мувофиқ вилоят, туман ва шаҳар ҳокимининг ваколатлари қонунларнинг ҳамда Ўзбекистон

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда

Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатларининг, юқори турувчи органлар ва тегишли халқ депутатлари Кенгаши қарорларининг ижросини ташкил этади¹.

Аммо, ушбу моддаларда маҳаллий Кенгашлар қай тартибда қонун ҳужжатларини ижросини ташкил этиши ва назорат қилиш тартиби белгиланмаган. Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 2010 йил 30 декабрдаги 154-II-сонли Қарори билан тасдиқланган Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг намунавий регламентига мувофиқ маҳаллий Кенгашлар ушбу ҳуқуқий механизмни амалга ошириш учун сессиялар чақиради, доимий комиссиялар тузади ва депутатлар сайлов округи сайловчилар билан учрашувлар ташкил этади.

Ушбу намунавий регламентнинг 3-моддасига мувофиқ халқ депутатлари Кенгаши ўз фаолиятининг асосий йўналишларини халқ депутатлари Кенгашининг сессиясида тасдиқланган жорий, йиллик ёки халқ депутатлари Кенгашининг ваколатлари муддатига мўлжалланган иш режаси асосида белгилаб олади. Халқ депутатлари Кенгаши фаолиятининг асосий йўналишларини ўз ичига оладиган халқ депутатлари Кенгашининг иш режаси асосида халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссияларининг иш режалари тузилади². Маҳаллий Кенгашлар ўзларининг режаларини ёрдамида ўз зимасига юклатилган вазифаларни ва ваколатларини амалга оширадилар. Ушбу нормалар маҳаллий Кенгашлар ва Олий Мажлиснинг қонунлар ижросини таъминлашга қаратилган ўзаро муносабатини тартибга солувчи ҳуқуқий механизмлардан бири ҳисобланади.

Шу билан бирга, Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларнинг қонунларга риоя қилиши ва уни ижроси бўйича ўзаро муносабатининг ҳуқуқий асоси Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунининг 26-моддасида белгиланган бўлиб, унга мувофиқ

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда

² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 й., 12-сон, 550-модда

халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига зид келадиган қарорлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан белгиланган тартибда бекор қилинади¹.

Ушбу нормада Олий Мажлис томонидан маҳаллий Кенгашларнинг қонун ҳужжатларига зид қарорларини бекор қилиши белгиланган. Аммо, ун қай тартибда амалга оширилиши белгиланмаган.

Олий Мажлис фаолиятини тартибга солувчи “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонуни, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонуни, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Регламенти ва Олий Мажлис Сенати Регламенти қонун ҳужжатларида Олий Мажлис томонидан маҳаллий Кенгашларнинг қонун ҳужжатларига зид қарорларини бекор қилиши механизмини аниқ учратмаймиз. Фикримизча ушбу механизмни Олий Мажлис палаталари Регламентларида белгилаб қўйиш лозим.

Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунининг 25¹-моддасига асосан, вилоят, Тошкент шаҳар, туман ҳокимининг ҳисоботини эшитишга тегишли вилоятлар ва Тошкент шаҳридан сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, давлат бошқаруви органлари раҳбарлари, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари, вилоят ва Тошкент шаҳар ижроия

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда

хокимияти органлари таркибий бўлинмаларининг раҳбарлари таклиф этилади¹.

Ушбу модда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Сенати аъзоси маҳаллий Кенгашлар мажлисларида иштирок этишини ҳуқуқий асосини белгилаб, ушбу ўзаро муносабатнинг ҳуқуқий механизмини ўзида акс эттирмайди.

Ушбу ҳуқуқий механизмни Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 2010 йил 30 декабрдаги 154-II-сонли Қарори билан тасдиқланган Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг намунавий регламенти 15-моддасида учратиш мумкин. Унга кўра Сессияларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутатлари, шунингдек тегишли ҳудуддаги давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, нодавлат нотижорат ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситаларининг таклиф этилган вакиллари ҳамда бошқа шахслар ҳозир бўлиши мумкин.

Сессияга таклиф этилган шахслар муҳокама этилаётган масалалар юзасидан қарор қабул қилишда овоз бериш ҳуқуқига эга эмас, шунингдек халқ депутатлари Кенгашининг регламентида белгиланган тартибга риоя қилишлари ва раислик қилувчининг фармойишларига бўйсунитишлари шарт.

Сессияга таклиф қилинадиган шахсларнинг сони ва таркиби ҳоким – халқ депутатлари Кенгашининг раҳбари томонидан ҳал этилади.

Сессияда раислик қилувчи сессияга таклиф этилган шахслар таркиби ва сони тўғрисида Кенгаш депутатларига ахборот беради.

Сессияга таклиф қилинган шахслар учун мажлислар залида махсус жойлар ажратилади².

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддаси 11-бандига мувофиқ, туманлар, шаҳарлар, вилоятларни ташкил этиш, тугатиш, номини

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда

² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 й., 12-сон, 550-модда

Ўзгартириш ва уларнинг чегаралари масалаларини ҳал этади¹. Ушбу конституциявий норма Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиш масалаларини ҳал этиш юзасида Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларнинг ўзаро муносабатини тартибга солувчи ҳуқуқий асос вазифасини бажаради.

“Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 2-моддасига мувофиқ туманларни тузиш ва тугатиш тегишли вилоят ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг илтимосномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифига мувофиқ Олий Мажлис томонидан амалга оширилади².

Шунингдек, ушбу Қонуннинг 5-моддасига кўра вилоятлар ва туманларнинг чегараларини ўзгартириш тегишли вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳокимларининг илтимосномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифига мувофиқ Олий Мажлис томонидан амалга оширилади³.

Бундан ташқари, ушбу Қонуннинг 8-моддасида вилоятларнинг маъмурий марказларини белгилаш ва кўчириш тегишли вилоят ҳокимларининг илтимосномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифига мувофиқ Олий Мажлис томонидан амалга оширилади⁴.

Шу билан бирга, ушбу Қонуннинг 10-моддасига биноан шаҳарларни вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар туркумига киритиш, уларни қайта тузиш тегишли вилоят ҳокимларининг илтимосномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифига мувофиқ Олий Мажлис томонидан амалга оширилади⁵.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014. – Б. 28.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 139-модда

³ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 139-модда

⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 139-модда

⁵ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 139-модда

Шунингдек, ушбу Қонуннинг 11-моддасига кўра шаҳарчаларни, аҳоли пунктларини туман бўйсунувидаги шаҳарлар туркумига киритиш, уларни қайта тузиш тегишли вилоят ҳокимларининг илтимосномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифига мувофиқ Олий Мажлис томонидан амалга оширилади¹.

Бундан ташқари, ушбу Қонуннинг 13-моддасига мувофиқ шаҳарларнинг чегараларини белгилаш ва кенгайтириш тегишли вилоят, Тошкент шаҳри ҳокимларининг илтимосномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифига мувофиқ Олий Мажлис томонидан амалга оширилади².

Юқорида келтирилган моддаларнинг маъмурий-худудий тузилишга оид масалаларни ҳал этишга доир ҳуқуқий механизмлар сифатида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар аниқ белгиланган. Аммо, Олий Мажлис томонидан амалга ошириладиган ишлар аниқ белгиланмаган.

Агар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддаси 15-бандида ушбу маъмурий-худудий тузилишга оид масалаларни ҳал этишга доир масала Олий Мажлис палаталарини қўшма ваколатига киришини ҳисобга олган ҳолда, бу масала дастлаб Қонунчилик палатасида, ундан сўнг Сенатда кўриб чиқилиб, ушбу масала юзасидан қарор ёки қонун қабул қилинади³.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Регламентининг 163-моддасига кўра Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўзининг Сенат билан туманлар, шаҳарлар, вилоятларни ташкил этиш, тугатиш, уларнинг номини ҳамда чегараларини ўзгартириш масалалар бўйича қарорлар қабул қилиши белгиланган. Ушбу модда биринчи қисмининг 2-бандида назарда тугилган масалалар, қоида тариқасида, Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисларида ушбу Регламентда

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 139-модда

² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 139-модда

³ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014. – Б. 28.

назарда тутилган тартибда кўриб чиқилади¹. Ушбу модда Олий Мажлис палаталари томонидан маъмурий-ҳудудий тузилишга оид масалаларни ҳал этишга доир ҳуқуқий механизмларни акс эттиради.

Юқоридаги қонун ҳужжатлари таҳлилидан англанишича, Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларнинг ўзаро муносабатини тартибга солувчи ҳуқуқий механизмлар тарқоқ бўлиб, айнан битта қонун ҳужжатида акс этмаган. Фикримизча, Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларнинг ўзаро муносабатини тартибга солувчи ҳуқуқий механизмларга оид умумий қоидалар ва асосларни белгилаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бундай тажрибани хорижий мамлакатларда, жумладан, Россия Федерациясининг айрим вилоятларида жумладан, Тюменск ва Самара вилоятида учратиш мумкин.

Тюменск вилояти маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органининг Уставида унинг федерал ва регионал давлат органлари билан ўзаро муносабатининг ҳуқуқий асослари, ушбу жараёнда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органининг ҳуқуқи, Тюменск вилояти маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларини бошқа шундай органлар билан ўзаро муносабатлари алоҳида боб сифатида белгилаб қўйилган².

Шунингдек, Самара вилояти маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органининг Уставининг 38-моддаси маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро муносабатининг ҳуқуқий асослари белгилаб қўйилган³.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 й., 7-сон, 242-модда

² [@cmsArticle](https://tobolsk.admtymen.ru/mo/Tobolsk/government/administration/Standard_documents/more.htm?id=10497536)

³ <http://mybiblioteka.su/4-59059.html>

2.3. Халқ депутатлари Кенгашларининг маҳаллий ижро ҳокимияти органлари устидан назорат қилишни такомиллаштириш Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларнинг ўзаро муносабатининг асосий йўналишларидан бири сифатида.

Халқ депутатлари Кенгашларининг маҳаллий ижро ҳокимияти органлари устидан назорат қилишни такомиллаштириш Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларнинг ўзаро муносабатининг тизимининг такомиллашувига олиб келади. Зероки, маҳаллий Кенгашлар вакиллик органлари бўлиб, уларнинг фаолияти партия гуруҳлари билан чамбарчас боғлиқдир. Маҳаллий Кенгашлар депутатларининг маҳаллий ижро ҳокимияти устидан назорати том маънода партия гуруҳларининг назоратидир. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси партия фракциялари жойларда партия гуруҳлари билан ҳамкорликда вакиллик ёки парламент назоратини самарали ташкил этишлари мумкин. Бу эса ўз навбатида давлат бошқарувида халқ ҳокимиятчилиги принципини янада мустаҳкамлайди. Шу нуқтаи назардан, маҳаллий ижро ҳокимияти фаолияти устидан маҳаллий Кенгашнинг назорат қилиш фаолиятини кучайтирилиши маҳаллий даражада ҳокимиятлар бўлиниши принципини амалга оширилишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жумладан, маҳаллий ижро ҳокимияти бошлиғи бўлган ҳоким институти миллий анъаналар ва умумэътироф этилган қадриятлар уйғунлигида шакллантирилди. Ҳокимнинг маҳаллий ҳокимият органларига раҳбарлик қилиши баробарида, вакиллик органлари олдидаги масъулиги белгиланди. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш жараёнида вакиллик органлари, хусусан сиёсий партияларнинг маҳаллий бошқарувни амалга ошириш, хусусан ҳоким фаолияти ва қабул қилаётган қарорларига таъсири кучайиб бормокда.

Ҳоким ҳудудда олий мансабдор шахс бўлиб, айти бир вақтда ҳудудда вакиллик ва ижроия ҳокимиятини бошқаради. Ўз ваколатларини яккабошчилик асосида амалга оширади. Ҳоким Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги¹ Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари билан белгиланган ваколатлар доирасида ижроия ҳокимияти фаолиятини ташкил этади.

Худудда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш вазифалари амалга оширилишини, жойларда қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари, фармойишлари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши қабул қилган ҳужжатлар ижроси ташкил этилишини, давлат бошқаруви органлари билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги алоқаларнинг самарадорлигини ҳамда аҳолини худуд, туман ва шаҳарни бошқаришга жалб этишни таъминлайди.

Ҳоким режалаштириш, бюджет, молия, ҳисоб-китоб, вилоят, туман, шаҳар мулкани бошқариш, мулкчиликнинг турли шаклига мансуб корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш, қишлоқ хўжалиги, ер ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш, табиатни муҳофаза қилиш, қурилиш, транспорт, йўл хўжалиги ва алоқа, аҳолига коммунал, савдо ва ижтимоий-маданий хизмат кўрсатиш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва хавфсизликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш соҳасида қонун ҳужжатларида ўз ваколатига берилган бошқа масалаларни ҳам ҳал этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 102-моддасига мувофиқ вакиллик ва ижроия ҳокимиятини тегишлилигига қараб вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари бошқаради. Ушбу меъёр ўзбек миллий давлатчилиги анъаналарини акс этиши баробарида, умумэтироф этилган демократик қадриятларга мос келади. Чунки ривожланган давлатларда маҳаллий ҳокимият турли шаклларда амалга оширилиб, муайян мансабдор шахснинг бир вақтнинг ўзида вакиллик ва ижроия органларига бевосита раҳбарлик қилиши ҳам кўп учрайди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаш Ахборотномаси 1993 й., 9-сон, 320-модда

Ҳокимнинг маҳаллий Кенгашлар ўртасидаги муносабатлари фақат уларга раҳбарлик қилишдан иборат эмас. Бундан ташқари, ушбу муносабатларга ҳокимни халқ депутатлари томонидан тасдиқланиши, унинг маҳаллий Кенгаш олдидаги ҳисобдорлиги ҳам киради. Мисол учун Россия, Қозоғистон ва Ўзбекистон каби давлатларда тайинланади, Германия Федератив Республикаси, Буюк Британия каби хорижий давлатларда эса сайловлар йўли билан шакллантирилади. Бунда ҳоким ва маҳаллий Кенгаш ўртасидаги муносабатларни қуйидаги учта асосий жиҳатини кўрсатиш мумкин:

1. Маҳаллий Кенгашларнинг ҳокимни лавозимига тасдиқлаши.
2. Ҳокимнинг маҳаллий Кенгашлар олдидаги ҳисобдорлиги.
3. Ҳокимнинг маҳаллий Кенгашларга бошчилик қилиши.

Ҳокимнинг маҳаллий Кенгашларга раҳбарлиги унинг янги сайланган маҳаллий Кенгашда тасдиқланиши билан бошланади. Янги сайланган маҳаллий Кенгашнинг биринчи – ташкилий сессияси кекса депутатлардан бири томонидан очилади ва у маҳаллий Кенгаш томонидан ҳоким тасдиқлангунга қадар сессияда раислик қилади¹. Маҳаллий Кенгаш сессияларида ҳоким, у йўқлигида эса маҳаллий Кенгашнинг қарорига ёки ҳоким топшириғига биноан мазкур Кенгашнинг депутатларидан бири раислик қилади².

Ҳокимнинг маҳаллий Кенгашга раҳбарлиги, асосан, унинг регламенти ва бошқа ички ҳужжатлари билан тартибга солинади. Маҳаллий Кенгашлар регламентлари ва фаолиятини тартибга солувчи бошқа ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан тасдиқланган Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар намунавий регламенти, Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг доимий комиссиялари тўғрисидаги намунавий низом ва бошқа ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилади ва такомиллаштирилади.

¹ Азизхўжаев А.А. ва бошқ. Конституциявий ҳуқуқ (изоҳли луғат).–Т.: Академия, 2001. – Б. 160.

² Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи. Муаллифлар жамоаси. Дарслик.Т.: Молия.- 2002 –Б. 645.

Тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатдики, барча ҳуқуқий ҳужжатлар, қонунларда вилоят, туман, шаҳар ҳокимлари ваколатлари ва функциялари умумий тарзда ва қонуннинг битта моддасида берилган. Лекин, ҳаётда ҳокимиятни амалга оширишда уларнинг ўрни турличадир. Масалан, туман ва шаҳар ҳокимлари ишлаб чиқаришга, корхона ва ташкилотларга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан бевосита ҳуқуқий муносабатлар ўрнатади. Вилоят ҳокимлари эса улар билан туман ва шаҳар ҳокимликлари воситасида муносабат ўрнатади. Шундан келиб чиқиб, жаҳон тажрибасида бўлганидек, ҳар учала даражадаги ҳокимлар ваколатлари ва функциялари қонунларда алоҳида-алоҳида кўрсатилиши лозимлигини яна бир бора таъкидлаб ўтамиз.

Барча бўғиндаги маҳаллий ҳокимият органларининг вазифалари “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунда белгиланган ваколатлар орқали амалга оширилишини кўриб чиқдик. Мазкур вазифаларни амалга оширишда вакиллик органлари билан ижро ҳокимиятининг бир-бирини тийиб туриш ва назорат қилиш ваколатлари орқали амалга оширилишини кўришимиз мумкин. Қуйи маҳаллий ҳокимият органларида давлат қурилишини чуқурлаштириш масалаларидан келиб чиққан ҳолда ҳокимни вакиллик органига раҳбарлигини олиб ташлаш таклифини илгари суриш мумкин.

Ғарбий Европа ва бошқа ривожланган давлатлар тажрибасига мурожаат этсак, биздаги туманлар ва шаҳарлар маҳаллий давлат ҳокимиятига эмас, балки ўзини ўзи бошқариш – муниципал бошқарув тизимига киритилган¹. Мазкур мамлакатлар маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари билан уларнинг ижроия органлари бир биридан ажратилган.

Ҳоким маҳаллий Кенгашнинг доимий комиссияларини шакллантиришда, улар фаолиятини ташкил этиш ва амалга оширишда ҳам иштирок этади. Намунавий регламентнинг 35-моддасига мувофиқ маҳаллий Кенгашнинг доимий ва муваққат комиссиялари раислиги ҳамда аъзолигига

¹ Қаранг: АҚШ, Буюк Британия, Дания ва бошқа кўпчилик давлатларда.

номзодлар ҳоким томонидан тақдим этилади. Ҳоким доимий комиссиялар турлари, улар раислари ва аъзоларини белгилашда маҳаллий Кенгашдаги сиёсий партиялар гуруҳлари таклифларини умумлаштириб, улар билан келишади. Ўзбекистон Республикасининг “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги Конуннинг 14-моддаси ва Намунавий регламентнинг 45-моддасида партия гуруҳлари маҳаллий Кенгаш комиссиялари раислигига номзодлар бўйича таклифлар киритиш ҳуқуқига эга. Партиялар гуруҳлари келишувидан кейин мазкур масала маҳаллий Кенгаш сессиясида кўриб чикилади¹.

Сессияни чақириш ва кун тартибини тузиш бир бирига боғлиқдир. Чунки кун тартиби аниқ бўлганидан кейингина сессия чақирилади. Намунавий регламент 9-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ сессияни, шу жумладан навбатдан ташқари сессияни чақириш ҳақидаги қарор ҳоким томонидан қабул қилинади, иккинчи қисмида эса маҳаллий Кенгаш сессияси ўтказиладиган вақт ва жой ҳамда кун тартиби тўғрисида депутатларга сессия очилишидан камида етти кун олдин маълум қилиниши белгиланган².

2007 йил 11 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий конунининг 7-моддасида халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари депутатларининг вилоят ҳамда Тошкент шаҳар ҳокими фаолияти устидан назорат қилиш вазифалари келитириб ўтилган³.

Нazorat қилиш вазифалари самарадорлигини ошириш мақсадида халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳларига вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими лавозимига тасдиқланган шахсларнинг қониқарсиз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига асосланган хулосалар тақдим этиш ташаббуси ҳуқуқи берилиши лозим. Бундай ташаббус етакчи партия гуруҳлари томонидан қўллаб-қувватланган

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, 12-сон, 550-модда

² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, 12-сон, 550-модда

³ Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 15-сон, 151-модда

такдирда, Ўзбекистон Республикаси Президенти бу ташаббуснинг халқ депутатлари Кенгашидаги мукокамасини тайинлайди ва муҳокама натижаларига мувофиқ қарор қабул қилади.

Бироқ амалдаги мавжуд муносабатлардан келиб чиқадиган бўлсак ҳоким халқ депутатлари Кенгашлари фаолиятига доир масалаларни, келиб тушган таклифларни кўриб чиқади², Кенгаш сессиясида кўриб чиқилидаган масалаларни олиб чиқишда раҳбарлик қилади, доимий комиссиялар фаолиятини йўналтиради. Мазкур ҳолат маҳаллий вакиллик ҳокимиятини амалга оширишда “тийиб туриш механизми”га таъсир қилади.

Ҳокимни маҳаллий ҳокимият ижро органининг раҳбари сифатида халқ депутатлари кенгашларига ҳисобдорлиги вакиллик органларини аҳоли манфаатларини таъминлашдаги асосий қоидалардан биридир. Агарда, ҳоким халқ депутатлари Кенгашлари сессияларига қўйиладиган масалаларни тайёрласа, раҳбарлик қилса унинг ҳисобдорлигини таъминлашда турли суистеъмолликлар бўлиши мумкин. Бюджетни, ҳудудни комплекс ривожлантириш дастурларини ижро этишга доир ҳисоботларини тайёрлаш ва буларга объектив баҳо бериш ҳудуд аҳолиси манфаатларини таъминлашга хизмат қилади.

Мазкур ислохотларнинг мантикий давоми ҳисобланган 2014 йил 16 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (23, 78, 93, 98, 103, ва 117 моддаларига)”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги” Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилингани натижасида Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунининг 25¹-моддасига тегишли қўшимчалар киритилди ва унга кўра, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари тегишли халқ депутатлари Кенгашига вилоят, туман ва

² Қаранг: Иккинчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Иш тартиби. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши раисининг 2000 йил 11 январь, 32/1-2-сонли қарори билан тасдиқланган.

шаҳар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан ҳисоботлар тақдим этиши назарда тутиб ўтилди. Мазкур норманинг киритилиши маҳаллий ижро органлари устидан халқ депутатлари Кенгашининг самарали назорат олиб боришини таъминлаши лозим. маҳаллий ижро ҳамда вакиллик органлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни янада мустаҳкамлайди, ўзаро тийиб туриш ва мувозанатни самарали таъминлаш механизмининг амалдаги ижросини таъминлайди. Бу ўзгартиришлар маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг давлат бошқарувини ислоҳ қилишдаги ролини янада оширади ҳамда ўз ваколатларини амалга оширишларида юксак масъулият ва жавобгарликни юклайди. Шу ўринда юқоридаги моддада мазкур ҳисоботларни канча муддатда бериши назарда тутиб ўтилмаган. Мана шундай нормани қонунчиликка киритиш мақсадга мувофиқ деб ўйлайман.

Шундай қилиб, маҳаллий Кенгашлар фаолиятида сиёсий партия гуруҳлари ва доимий комиссияларнинг назорат фаолиятини кучайтириш Олий Мажлис Қонунчилик палатасида фаолият юритувчи сиёсий партия фракциялар билан сиёсий партия гуруҳларининг ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятига асосланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

ХУЛОСА

Бугунги кунда мамлакатимизда давлат бошқарувини демократлаштириш ва моденизациялаш соҳасида амалга ошириш ислохотларини янада чуқурлаштириш шароитида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва маҳаллий вакиллик органлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш зарурати мавжуд. Ушбу жараёнда давлат ҳокимияти тизимида амалга оширилаётган ҳокимиятлар бўлиниши принципини вертикал даражада қуйи ҳокимият органларига татбиқ этиш ва марказий давлат органлари ваколатларини қуйи органларга бериб бориш сиёсатини янада изчил давом эттириш нуқтаи назаридан ва олий вакиллик органи – парламент томонидан қабул қилинаётган қонун ҳужжатлар ва мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган дастурларни жойларда ижросини назорат қилиш ва таъминлашни инобатга олган ҳолда ушбу соҳадаги қонун ҳужжатларни такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва маҳаллий Кенгашларнинг ўзаро муносабатларига доир назарий-ҳуқуқий манбалар таҳлили натижасида ушбу мавзу юзасидан қуйидаги назарий тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларнинг ўзаро муносабати – конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар ҳисобланади. Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларнинг ўзаро муносабатига алоқадор хусусиятларни конституциявий ҳуқуқ нуқтаи назардан қуйидагича тавсифлаш мумкин:

- ушбу муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларини ҳаётга татбиқ этиш жараёни вужудга келади ва амалда бўлади;

- ушбу муносабатлар конституциявий-ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинади;

ушбу муносабатлар Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашлар ўртасидаги ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар шаклида намоён бўлади.

2. Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларнинг ўзаро муносабатининг ички тузилишига унинг субъектлари, объектлари ва мазмундан иборат.

Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларнинг ўзаро муносабатларнинг субъектлари Олий Мажлис, унинг палаталари, Қонунчилик палатасининг Спикери, Сенат Раиси, палаталарнинг қўмита ва комиссиялари, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари, ҳокимлар, доимий комиссиялар, депутатлар киради.

Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларнинг ўзаро муносабатларнинг объектини Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари кесишадиган масалалар ёки муайян ҳодисалар ташкил этади.

Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларнинг ўзаро муносабатининг мазмуни юридик фактлардан иборат бўлиб, юридик фактлар аниқ ҳуқуқий норма асосида вужудга келади.

3. Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларнинг ўзаро муносабатини уларни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормаларининг хусусиятларидан келиб чиқиб турли гуруҳларга ажратиш мумкин. Бундай назарий-ҳуқуқий таҳлилнинг амалга оширилиши Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларнинг ўзаро муносабати шакллари кенгроқ ва чуқурроқ ўрганиш имкониятини беради. Бу эса ўз навбатида Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларнинг ўзаро муносабатини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга замин ҳозирлайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва маҳаллий Кенгашларнинг ўзаро муносабатларига доир қонун ҳужжатларни такомиллаштириш юзасидан қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Олий Мажлиси ва маҳаллий Кенгашларнинг ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини ўрганиш натижасида мазкур муносабатларнинг ягона тизимини белгиловчи қонун ҳужжати ёки муайян бир қонун ҳужжатида акс этган моддалар тизими мавжуд эмаслиги аниқланди. Мазкур ҳолатни бартараф этиш учун Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунига алоҳида **“Маҳаллий Кенгашларнинг**

давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро муносабатининг умумий қоидалари” номли боб киритиб, мазкур боб моддаларида маҳаллий Кенгашларнинг Олий Мажлис ва бошқа давлат ҳокимияти ва органларининг ўзаро муносабатининг норматив-ҳуқуқий ҳуқуқий асослари, ўзаро муносабатнинг принциплари, ушбу муносабатга киришганда томонларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларига оид нормаларни акс эттириш лозим.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунида ушбу қонун томонидан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар доираси мустаҳкамланмаган. Шу жиҳатдан мазкур қонун номи баён этилгандан сўнг қуйидаги таҳрирда келтириш мақсадга мувофиқ: **“Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солади.”**

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Раҳбарий адабиётлар

1.1 Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 364 б.

1.2 Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 380 б.

1.3 Каримов И. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т. 5. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 384 б.

1.4 Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т. 7. – Т.: “Ўзбекистон”, 1999. – 410 б.

1.5 Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т. 8. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – 528 б.

1.6 Каримов. И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15. – Тошкент.: “Ўзбекистон”, 2007. - 318 б.

1.7 Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти-ни ривожлантириш концепсияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь / И.Каримов. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2010. – 480 б.

1.8 Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т. 19. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. -348 б.

1.9 Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. Т. 20. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012. -320 б.

1.10 Каримов И.А. Мамлакатимизни янада обод этиш ва модернизация қилишни қатъият билан давом эттириш йўлида. Т. 21. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2013. – 384 б.

1.11 Каримов И.А. Ўзбекистон эришган ютуқ ва марралар – биз танлаган ислохотлар йўлининг тасдиғи. Т. 22. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2014. – 368 б.

1.12 Каримов И.А. Мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилишга қаратилган тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириш – бош мақсадимиздир. / Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилганининг 22 йиллигига

бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Инсон ва қонун газетаси, 2014 йил 10 декабрь, № 49 (941).

1.13 Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. 2015 йил 23 январь. // И.А.Каримов – Тошкент: Ўзбекистон, 2015. – 40 б.

1.14 Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. 2015 йил 6 декабрь // <http://www.xs.uz>

1.15 Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. 2016 йил 18 январь // <http://www.xs.uz>

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

2.1 Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014. – 76 б.

2.2 Ўзбекистон ССР Олий Советининг ведемоствлари, 1989. – № 26-28. – 448-модда

2.3 Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий ҳокимият идораларини қайта ташкил этиш тўғрисида” ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 й., 11-сон, 246-модда

2.4 Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда

2.5 Ўзбекистон Республикасининг “Халқ депутатлари, вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида” ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 й., 5-сон, 125-модда

2.6 Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 139-модда

2.7 Ўзбекистон Республикасининг “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 3-4-сон, 20-модда

2.8 Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 16-сон, 176-модда

2.9 Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 2010 йил 30 декабрдаги 154-П-сонли Қарори билан тасдиқланган Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг намунавий регламенти // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 й., 12-сон, 550-модда

2.10 Ўзбекистон Республикасининг “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 15-сон, 151-модда

III. Дарслик ва ўқув қўлланмалар

3.1 Асадов Ш. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари: Ўқув қўлланма/ Маъсул муҳаррир: проф. О.Т.Хусанов. – Тошкент: ТДЮИ нашриёти, 2011. – Б. 25.

3.2 Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи: Дарслик / Маъсул муҳаррир: А.Х.Саидов. – Тошкент: “ТДЮИ” нашриёти, 2005.

3.3 Козлова Е.И., Кутафин О.Е. Конституционное право: Учебник. – Москва: Юрист, 2001

3.4 Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи: Юридик олий ўқув юртлари учун дарслик / Ҳ.Т.Одилқориев, И.Т.Тулътеев, Ў.Х.Муҳамедов ва б. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2005.

3.5 Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи: Дарслик / Маъсул муҳаррир: А.Х.Саидов – Тошкент: “ТДЮИ” нашриёти, 2005

3.6 Хожиев Э., Хожиев Т. Маъмури ҳуқуқ: Дарслик / Маъсул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбаев. – Т.: 2006.

IV. Илмий адабиётлар ва мақолалар

4.1 Азизхўжаев А.А. ва бошқ. Конституциявий ҳуқуқ (изоҳли луғат).– Т.: Академия, 2001.

4.2 Маликова Г.Р. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг айрим вазифа ва ваколатларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиш (ҳуқуқий-ташкилий масалалар): Юрид. фан. номз. ... дисс. автореф. –Тошкент, 2004. – 24 б.

4.3 Рузметов Х.. Ҳокимияты (проблемы теории и практики организации и деятельности местных органов исполнительной власти в Республике Узбекистан). Монография. - Т.: ТГЮИ, 2004. - 244 б.

4.4 Исломов З.М. Ўзбекистон модернизациялаш ва демократик тараққиёт сари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. -262 б.

V. Интернет сайтлари

- 5.1. [http:// www.lex.uz](http://www.lex.uz)
- 5.2. <http://www.legislature.ru>
- 5.3. <http:// www.aup.ru>
- 5.4. <https://www.consultant.ru>
- 5.5. <https://tobolsk.admtyumen.ru>
- 5.6. <http://mybiblioteka.su>